Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН. № 130 (8120). ● 9 июль, 1983 йил. ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетлари, колхозлар, совхозлар ўртасида галла ўриш ва давлатга дон сотиш бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1 июлгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Ғалаба районига (район партия комитетининг секретари Хадралиев, район ижроия комитетининг раиси Бойназаров, қишлоқ хўжалиги ходимлари касаба союзлари район комитетининг раиси Қуттибоев, район комсомол комитетининг секретари Абдухолиқов, район агросаноат бирлашмаси советининг раиси Чинтошев ўртоқлар).

Бу район бошоқли дон экинлари ўримини тугалладди ва давлатга дон сотиш планини 70,1 процент бажарилишини таъминлади.

Байроқ Оққўрғон районидан олиб берилади.

Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозига (раиси Пўлатов, партия комитетининг секретари Мўминов, касаба союз комитетининг раиси Мирназаров, комсомол ташкилотининг секретари Калонов ўртоқлар). Бу колхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллади ва давлатга дон сотиш планини 110 процент бажарилишини таъминлади.

Байроқ Оққўрғон районидаги Навоий номли колхоздан олиб берилади.

Бекобод районидаги «Далварзин» совхозига (директори Ортиқов, партия комитетининг секретари Хожимирзаев, касаба союз комитетининг раиси Болтабоев, комсомол ташкилотининг секретари Раҳмонбердиев ўртоқлар). Бу совхоз бошоқли дон экинлари ўрим-йиғимини тугаллади ва давлатга дон топшириш планининг 183 процент бажарилишини таъминлади.

Байроқ шу райондаги «КПСС XXV съезди» совхозидан олиб берилади.

Область план бўлимига, социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ғалаба районига, Ўрта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозига, Бекобод районидаги «Далварзин» совхозига биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

(Давоми 4-бетда).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси ўзининг навбатдаги мажлисида Москвада бўлиб ўтган Совет-Ғарбий Германия музокараларининг якунларини муҳокама қилди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси совет раҳбарларининг ГФР федерал канцлери Г. Коль ва ГФР федерал канцлер ўринбосари, ташқи ишлар министри Г.-Д. Геншер билан Европадаги хавфсизликнинг туб масалалари юзасидан, шунингдек СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатларни узоқ муддатли, барқарор ва ўзаро манфаатли асосда ривожлантириш соҳасида ўтказилган музокараларда тутган принципиал позициясини маъқуллади.

Ўтказилган музокаралар ва суҳбатлар Совет Иттифоқининг Москва шартномасига асосланган Совет-Ғарбий Германия муносабатларини янада ривожлантириш учун ҳаракат қилаётганлиги, бу эса иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, бутун Европа манфаатларига мос бўлиб тушаётганлиги тўғрисида Ғарбий Германия томонининг аниқ тасаввур ҳосил қилишига имкон беради.

Музокаралар ва суҳбатлар давомида совет раҳбарлари НАТОнинг Америка янги ракеталарини Ғарбий Европада жойлаштириш режалари амалга оширилиши халқаро вазиятни жиддий равишда чигаллаштиришини, ГФР учун уруш хавфини кучайтиришини, Совет-Ғарбий Германия муносабатларига салбий таъсир қилишини тўла асос билан таъкидлаб ўтганликлари мажлисда қайд этилди. Совет томонидан Германия Федератив Республикасининг ҳукумати ҳозирги вазиятда ўз зиммасига тушадиган масъулиятни эътиборга олиб, бу масалада тинчлик манфаатларига жавоб берадиган реалистик позицияни эгаллайди, деб умид билдирилди.

Сиёсий бюро КПСС Марказий Комитети 1982 йил май Пленумининг қарорларини бажариш юзасидан қишлоқ хўжалигининг халқ хўжалиги бошқа тармоқлари билан иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди. КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг шу масала юзасидан қабул қилган қарорида колхоз ва совхозлардаги кенгайтирилган тажрибани ишлаб чиқаришнинг барқарор иқтисодий шарт-шароитларини таъминлаш тадбирларини амалга ошириш, қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи корхона ва ташкилотларнинг оладиган фойдасини планлаштириш ва ундан фойдаланишга доир амалдаги тартибни ўзгартириш, колхоз ва совхозларга хизмат қилувчи тайёрлов ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштиришнинг юксак пировард натижаларига эришишдан манфаатдорлигини кучайтириш кўзда тутилади. Колхоз ва совхозларга хизмат қилувчи Госкомсельхозтехника, Союзсельхозхимия ҳамда СССР Ирригация ва сув хўжалиги министрлиги корхоналари билан ташкилотларининг фаолиятига баҳо беришда, шунингдек уларнинг моддий рағбатлантириш ва мукофотлаш фондларини вужудга келтиришда энди хизмат қилинаётган хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг ўсиши, шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши, ишлар ва хизматларнинг қиймати пасайиши, тайёрлов корхоналари ва ташкилотлари учун эса маҳсулот харид қилишнинг бажарилиши энг асосий кўрсаткичлар бўлиб қолади.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг мажлисида СССР денгизлар саёз соҳилида нефть ва газ саноатини ривожлантиришнинг 1990 йилгача даврга мўлжаллаб СССР Министрлар Совети ишлаб чиққан тадбирлари муҳокама қилиниб, маъқулланди.

Сиёсий бюро КПСС делегациясининг Португалия Коммунистик партияси делегацияси билан ўтказган музокаралари тўғрисидаги Э. А. Шеварднадзе ахборотини маъқуллади, шунингдек СССР ички турмуши ва ташқи сиёсатининг бошқа баъзи масалаларини муҳокама қилди.

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

8 июлда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. МУСАХОНОВнинг «КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми якунлари ҳамда область партия ташкилотининг Пленум қарорларидан, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андроповнинг Пленумда сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалари тўғрисида»ги доклади тингланиб, муҳокама этилди.

Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. РАШИДОВ нутқ сўзлади.

Пленумда халқ депутатлари Тошкент область Совети ижроия комитетининг раиси Т. А. АЛИМОВнинг «КПСС Марказий Комитети май ва ноябрь (1982 йил) Пленумлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети IX пленуми қарорлари асосида чорвачиликни ривожлантириш бўйича тадбирларнинг бажарилишининг бориши тўғрисида»ги доклади тингланди.

Пленумда Тошкент область XX партия конференцияси қарорлари бажарилишининг бориши тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди.

Пленумда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолари ва аъзоликка кандидатлар Т. Н. ОСЕТРОВ, О. У. САЛИМОВ, И. Б. УСМОНХЎЖАЕВ, Н. Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ, Н. М. МАҲМУДОВА, У. У. УМАРОВ иштирок этдилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг ҳар бир Пленуми,— деди ўртоқ М. М. Мусахонов,— партия ва халқимиз ҳаётида тарихий воқеа, олға томон қилаётган ҳаракатимизда янги босқич ҳисобланади.

Биз учун КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) Пленуми алоҳида аҳамиятга эгадир. Пленум қарорлари жамиятимиз ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган, коммунизмнинг актив қурувчиси шахсини шакллантиришга қаратилгандир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Ю. В. Андропов нутқи, Пленум материаллари Коммунистик партиямизнинг жамиятимизни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичидаги муҳим вазифаларини ҳал қилишга ишчанлик билан, ленинча ёндошишнинг ёрқин кўриниши, партия ва халқ мустаҳкам бирлиги ва жипслигининг далолатидир. Улар идеологик иш назарияси ва практикасига қўшилган ижодий ҳисса бўлди, КПСС XXVI съезди қарорларидан, КПСС Марказий Комитети кейинги йилларда қабул қилган тегишли қарорларидан келиб чиқадиган қоида ва хулосаларни янада ривожлантирди.

Барча совет кишилари қатори Тошкент области коммунистлари, меҳнаткашлари Пленум қарорларини, СССР Олий Советининг сессияси якунларини зўр қониқиш ва мамнуният билан қутиб олдилар. Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг СССР Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланиши якдиллик билан маъқулланмоқда ва қизғин қўллаб-қувватланяпти. Пойтахт области меҳнаткашлари Юрий Владимировича давлатимиз равнақи, тинчлик ва халқлар бахт-саодати йўлидаги серқирра фаолиятида катта муваффақиятлар тилайдилар.

Июнь Пленумида ҳозирги кун масалалари ҳар тарафлама таҳлил қилинди, коммунистик бунёдкорлик, янги инсонни шакллантириш ишидаги, тинчлик ва социал тараққиёт учун курашдаги узоқ муддатга мўлжалланган вазифалар илмий асослаб берилди. Совет кишиларини ғоявий-сиёсий ва аҳлоқий тарбиялашни кучайтириш, уларнинг маънавий савиясини муттасил оширишни таъминлашга қаратилган конкрет амалий тадбирларнинг кенг программаси ишлаб чиқилди.

XXVI съезднинг қарорига мувофиқ тайёрланаётган янги таҳрирдаги КПСС Программаси партиямиз бутун фаолияти учун бебаҳо аҳамиятга эга бўлади. Бу программа ривожланган социализмни планли равишда ва ҳар томонлама такомиллаштириш, коммунизм қуриш программаси бўлиб қолади, Советлар Ватани олдида турган энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун бутун кучни бирлаштиришга ёрдам беради, партиянинг раҳбарлик ва раҳнамолик ролини янада оширишда янги босқич бўлади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XI пленумида КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми якунлари ҳар тарафлама муҳокама этилди. КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидовнинг пленумда қилган чуқур мазмунли докладида республикамиз меҳнаткашларини коммунистик руҳда тарбиялашни такомиллаштириш йўллари кўрсатиб берилди.

Область меҳнаткашлари партия қарорларига амалий иш билан жавоб бериб, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини бажарилишини таъминлашга қатъий аҳд қилганлар. Бунинг учун бизда ҳамма имкониятлар бор. Беш йилликнинг дастлабки икки йили муваффақиятли якунланди. 1983 йилнинг ўтган даври анча мураккаб бўлса-да, лекин кўп жиҳатдан самарали бўлди. Саноат маҳсулотларини реализация қилиш бўйича олти ойлик план муддатидан илгари — 28 июнда бажарилди. Планга қўшимча равишда 60 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулотлар реализация қилинди. Қурилишда, халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ишлар суръати ҳам ортиб боряпти.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари ҳозирнинг ўзида дастлабки план топшириқларини бажариб қўйдилар. Областимиз пиллачилари мажбуриятларини шараф билан бажариб, давлатга рекорд миқдорда — 2360 тоннадан кўпроқ пилла сотдилар. Давлатга ғалла сотиш мажбурияти адо этилди. Областимиз далаларида ғўзанинг ривожланишидан орқада қолишига қисқа муддатда барҳам бериш ҳамда мўл ҳосил тўплаш учун қизғин кураш кетмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, ем-хашак тайёрлаш ўтган йилгидан анча илдам суръатларда олиб бориляпти. Колхозлар, совхозлар, корхона ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликларининг меҳнат коллективлари чорвачиликни ривожлантиришда белгиланган марраларни тезроқ эгаллашга ҳаракат қилмоқдалар.

Агар барча партия ташкилотлари меҳнат коллективларида ташкилотчилик ва сиёсий-тарбиявий ишларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олиб борганларида, план ва ижрочилик интизомини мустаҳкамлаганларида эришилган натижалар янада салмоқли бўлиши шубҳасиз эди.

1983 йил — беш йилликнинг марказий йилидир. Беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилиши кўп жиҳатдан худди шу йилда нақадар самарали меҳнат қилишимизга боғлиқ бўлади. Ҳозирги пайтда интизом, уюшқоқлик, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилиш иш муваффақиятини таъминлайди. Бу мақсадга эришишга ҳар тарафлама кўмаклашиш пропаганда ва агитациянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Тошкент область партия ташкилотида бу ишни такомиллаштириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашни яхшилаш учун кўп иш қилинди,— деб таъкидлади докладчи.— Область олдида турган социалиқтисодий вазифаларни бажаришни идеологик жиҳатдан таъминлашнинг яхлит системаси вужудга келган. Меҳнаткашларга марксча-ленинча таълим бериш самарадорлиги ортди. Оғзаки сиёсий агитация ва лекция пропагандаси янада ҳужумкор бўлиб қолди.

Идеологик иш билан коммунистик қурилиш практикасини узвий боғлаш, тарбиянга комплекс ёндошиш, инсонга таъсир кўрсатишнинг янги, янада самарали формаларини излаш кўпгина партия ташкилотлари иш услубига хос бўлиб қолди.

Шу билан бир қаторда ғоявий-тарбиявий ишлар КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XI пленуми қарорларида олға сурилган талабларга тўла жавоб бермайди.

Партия комитетлари ва ташкилотлари ҳал этаётган бошқа масалалар нақадар муҳим бўлмасин,— деб таъкидлади ўртоқ Ю. В. Андропов,— улар идеология иши тобора биринчи ўринга чиқаётганини тушуниб олишлари керак. Партия идеология ишини ривожланган социализмни такомиллаштириш жараёнида ҳал этилаётган катта вазифалар даражасига кўтариш лозимлигига эътиборимизни қаратмоқда. Партия талаб қилаётганидек, тарбиявий воситаларимиздан янада самаралироқ фойдаланишимиз, идеологик ишни энг муҳим халқ хўжалик ва социал-сиёсий вазифаларни амалга ошириш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боришимиз керак.

Партиямиз янги жамиятни барпо этишни чинакамига илмий асосда, марксча-ленинча назариянинг мустаҳкам пойдеворига, илғор фанга таянган ҳолда олиб боряпти. Область партия ташкилоти бундан келиб чиққан ҳолда пропаганда ва агитацияни илмий савиясини, фаннинг бевосита ишлаб чиқарувчи куч сифатидаги ролини оширишга эришмоқда.

Илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртларининг ходимлари меҳнаткашларни ғоявий тарбиялаш ишига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар, социал-иқтисодий вазифаларнинг ҳозирги даврдаги долзарб муаммоларини тадқиқ этиш ва амалий йўл-йўриқларни ишлаб чиқиш учун муайян иш қилмоқдалар. Аммо, шунга қарамай илмий муассасалар фаолиятининг натижалари янада салмоқлироқ бўлиши мумкин эди.

Айрим илмий муассасалар назарий жиҳатдан самарасиз ишламоқдалар. Улар областимизни янада ривожлантириш, шу жумладан меҳнаткашлар ва аҳолини коммунистик руҳда тарбиялаш вазифаларига тааллуқли қатор муҳим муаммоларни ҳал қилиш йўл-йўриқларини кўрсатиб бермаяптилар.

Партия комитетлари, биринчи навбатда Тошкент шаҳар партия комитети фан муассасаларига раҳбарликни яхшилашлари, уларнинг кучғайратини тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, тадқиқотларнинг ҳаёт билан боғлиқ бўлишини таъминлаш, илмий кадрлар ўртасида тарбиявий ишларни такомиллаштириш бўйича зарур чоралар кўришлари керак.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ К. У. Черненко июнь Пленумида қилган докладида таъкидлаб ўтганидек, партия ҳар бир кишида меҳнат қилишга эҳтиёж сезиш, жамият манфаати йўлида сидқидилдан меҳнат қилиш зарурлигини аниқ тушуниб етиш ҳислатларини тарбиялашни энг муҳим вазифалардан бири деб ҳисоблайди. Бу мақсадга эришишда меҳнат коллективлари жуда катта имкониятга эгадирлар. СССР Олий Советининг сессияси меҳнат коллективлари тўғрисида махсус қонун қабул қилган ҳозирги пайтда уларнинг сафарбар этувчилик ва тарбиявий кучи мутасил ортиб бориши керак. Бу соҳада бошланғич партия ташкилотлари, касаба союз ва комсомол комитетлари етакчи роль ўйнашлари лозим. Улар коллектив ҳаётининг ҳамма томонларига таъсир ўтказишни кучайтиришлари, идеологик ишни коллективлар олдида турган конкрет вазифалар билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боришлари, интизомни мустаҳкамлашлари, меҳнатни ташкил этишни, ишлаб чиқариш маданиятини яхшилашлари керак.

Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», «Компрессор», Ангрендаги «Резинотехника» заводлари, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати, Коммунистик районидаги «Ленинўл» ва Янгийўл районидаги «Коммунизм», Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбобоев номли колхозлар, Ғалаба районидаги «Огонёк» совхози ва кўпгина бошқа корхона, ташкилот, ҳўжаликлар партия ташкилотлари ишни худди шундай ташкил этиб, намуна кўрсатмоқдалар. Бу коллективлар бир меъёрда ишламоқда, давлат планларини муваффақиятли бажаряптилар, уларда меҳнат интизоми мустаҳкам, иш вақти йўқотилмайди.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усули ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, меҳнаткашлар ижодий активлигини ривожлантириш, уларни ишлаб чиқаришни бошқаришга жалб этишнинг муҳим воситаси бўлиб қолди. Ҳозир область саноати ва қурилиш ташкилотларида барча бригадаларнинг 60 процентидан кўпроғи, қишлоқ хўжалигида эса 50 процентга яқини ана шу усулда ишлашга ўтган. Бундай коллективларда меҳнат интизоми мустаҳкам, меҳнат унумдорлиги юксак. Коллективизм ҳис-туйғуси чуқурдир.

«Ташсельмаш» заводи 10-цехининг Н. Кузнецов бошлиқ штамповкачилар комплекс бригадаси янгича ишлашга яхши намуна бўла олади. Меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасига ўтиш билан участкадаги ишчилар сони 13 кишига камайди, кадрларнинг қўнимсизлиги қисқарди. Ишда бекор туриб қолишлар камайди, Маҳсулот ишлаб чиқариш эса қарийб икки баравар кўпайди.

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози мана 13 йилдан бери меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг нарядсиз системаси асосида ишлаяпти. Ўтган йили хўжаликда пахта ҳосилдорлиги 52,4 центнерни ташкил этди. Ҳосилнинг 93 проценти машиналарда териб олинди. Бу ерда бир центнер пахта етиштиришга область колхозларидаги ўртача кўрсаткичга қараганда икки баравар кам киши—соати сарфланди.

Область партия комитетининг тармоқ бўлимлари, шаҳар ва район партия комитетлари, касаба союз комитетлари меҳнатни ташкил этишнинг бригада усулини жорий этиш масалалари билан қатъийроқ ва изчилроқ шуғулланишлари, бригадаларга ҳар тарафлама, шу жумладан тарбиявий ишларни яхшилашда ҳам кўмакашишлари керак. Бунда ҳар бир ходимнинг коллектив меҳнатига қўшилган ҳиссасини белгилашни йўлга қўйиш ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий омилларидан биридир.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми идеологик ишнинг меҳнат ва давлат интизомини мустаҳкамлаш борасидаги ролини ошириш масалаларига алоҳида эътибор берди. Область партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил) Пленуми талабларига амал қилган ҳолда барча бўғинларида уюшқоқлик ва тартибни мустаҳкамлашга қатъият билан эришмоқдалар.

СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи меҳнат интизомини мустаҳкамлаш соҳасида самарали иш олиб боряпти. Бунда иқтисодий, ишлаб чиқариш, маъмурий ва тарбиявий чораларнинг кенг системасидан фойдаланилади.

Корхона партия комитети, раҳбарлари жамоат ташкилотлари ролини мунтазам ошириб бормоқдалар, улар ишини моҳирона мувофиқлаштириб бормоқдалар. Ҳар ҳафтада корхонанинг барча цех ва бўлинмаларида меҳнат интизомининг аҳволи ҳақидаги масала кўриб чиқилади. Идеологик таъсир кўрсатишнинг барча воситалари интизомни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Айниқса, кўргазмали агитациядан моҳирона ва самарали фойдаланиляпти. Комплекс равишда олиб борилаётган тадбирлар иш вақти йўқотилишини анча қисқартириш имконини берди. Областдаги қатор бошқа партия ташкилотлари ҳам ўз ишларини шундай олиб бормоқдалар.

Бироқ бизда хотиржамликка бериліш учун асос йўқ. Кўпгина меҳнат коллективларида ҳали меҳнат интизомининг аҳволи қониқарли эмас. Прогулчилар, дангасалар ва ичкиликбозларга қарши самарали кураш олиб борилмаяпти.

Бу партия ва жамоат ташкилотларидан коллективларнинг меҳнат ва ижодий активлигини оширишни, уларда жамоат тартиби қоидаларини бузувчиларга муросасизлик муҳитини вужудга келтиришни талаб этмоқда. Моддий ва маънавий таъсир кўрсатишнинг ҳамма форма ва турларидан фойдаланилган ҳолда меҳнат интизомини қатъият билан мустаҳкамлаш, бу ишда цех ва участка бошлиқлари, мастер ва бригадирларнинг ролини ошириш лозим.

КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари, мамлакат Озиқ-овқат программаси, агросаноат бирлашмаларининг тузилиши қишлоқ жойларида тарбиявий ишларни ташкил этишга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, айниқса, пахтачилик ва чорвачиликни ривожлантиришни идеологик жиҳатдан таъминлаш бўйича яхлит системага эгамиз. Район партия комитетларининг бюроларида, бошланғич партия ташкилотларининг мажлисларида ҳар йили дала ишлари ҳар бир босқичини идеологик, маданий-маиший жиҳатдан таъминлаш бўйича тадбирлар тасдиқланади, социалистик мусобақа шартлари ишлаб чиқилади. Бу шартларда моддий ва маънавий рағбатлантириш омилларидан кенг фойдаланиш кўзда тутилади. Мусобақа шартларининг бажарилиши доимий назорат остида бўлади. Буларнинг ҳаммаси пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан барқарор мўл ҳосил етиштиришнинг узвий ва муҳим қисми бўлиб қолди.

Қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший шароитларни яратиш, улар ўртасида илғор тажрибани пропаганда қилишга эътибор кучайди. Бу ишда Калинин районида диққатга сазовор тажриба тўпланди. Районда ҳар ойда белгиланган график бўйича фермаларнинг бирида район партия комитети бюросининг аъзолари, хўжаликлар раҳбарлари, партия ташкилотлари секретарлари, мутахассислар иштирокида коллектив фаолиятининг барча соҳалари таҳлил этилади. Шунинг учун ҳам Калинин районида чорвачиликни ривожлантириш бўйича областда мунтазам равишда илғорлик қилиб келаётганлиги тасодифан эмас.

Бироқ ҳамма жойда ҳам иш шундай йўлга қўйилган, деб бўлмайди. Қатор хўжаликларда чорвадорларга яратилган маданий-маиший шароитлар талабга жавоб бермайди, тарбиявий ишлар савияси паст.

КПСС Марказий Комитетининг июнь Пленуми қарорларида қишлоқни ободонлаштириш, турмуш маданиятини ошириш масаласи қатъият билан ўртага қўйилди. Бу кўрсатмалар асосида партия, совет органлари колхоз ва совхозлар меҳнаткашларини тўғрисида ғамхўрлик қилишни янада кучайтиришлари, ишлаб чиқариш ва социал объектлар қурилиши устидан назоратни яхшилашлари, савдо, маиший хизмат кўрсатиш, транспорт ва алоқа, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва маданият муассасалари ҳамда корхоналари ишини такомиллаштиришлари керак.

Қишлоқда оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишда дала шийпонлари алоҳида роль ўйнайди. Уларни ҳақли равишда деҳқоннинг кичинчи уйи деб аташади. Область партия ташкилотлари бу масалани аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда, режали равишда ҳал этадиган бўлиб қолдилар. Кейинги уч йилда типовой лойиҳалар бўйича 307 та дала шийпони қурилди. Уларни жиҳозлаш яхшиланди, оммавий-сиёсий ишлар кучайди.

Аммо ҳали кўпгина хўжалик раҳбарлари, партия, касаба союз ташкилотлари бу ишга етарлича аҳамият бермаяптилар.

Яқинда «Қишлоқ ҳақиқати» газетасида Оққўрғон районидаги Куйбишев номли колхоз дала шийпонларининг иши жуда ҳаққоний равишда танқид қилинди. Афсуски, бундай ҳоллар областнинг бошқа қатор хўжаликлари ва районларида ҳам учраб турибди.

Партия, касаба союз, совет ва қишлоқ хўжалик органлари, хўжаликлар раҳбарлари дала шийпонлари ишига алоҳида эътибор бериши керак. Уларда зарур маданий-маиший шароитлар яратилишига, бу ерларда ғоявий-тарбиявий ишларни кучайтиришга эришиш лозим.

Экономикани ривожлантириш, кишиларни тарбиялаш, уларнинг ташаббускорлигини оширишда социалистик мусобақанинг роли буюкдир. Ҳозир областда 1 миллион 200 мингдан кўпроқ киши мусобақада иштирок этяпти. «Қолоқларсиз меҳнат қиламиз», «Шон-шуҳрат меҳнатга яраша!» ватанпарварлик ҳаракатлари кенг қулоч ёзди. Қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, чорва маҳсулдорлигини ошириш юзасидан бошланган ташаббуслар ҳамма жойда қўллаб-қувватланди. Бу ташаббуслар область партия комитети томонидан маъқулланган эди. Масалан, Бўка районида бу ташаббусларни қишлоқ меҳнаткашларининг 80 процентига яқини қўллаб-қувватлади. Натижада бу йил қабул қилинган социалистик мажбуриятларга қўшимча равишда 7 минг тонна пахта, 300 тонна гўшт, 500 тонна сут олиш мўлжалланмоқда. Районда ташаббуслар амалий жиҳатдан қўллаб-қувватланади, мажбуриятларнинг бажарилиши доимий назорат остида бўлади.

Аммо, бу ишда ҳамон расмиятчиликка йўл қўйилмоқда. Мажбуриятларни белгилаш ва мусобақага якун ясашга ҳали меҳнаткашлар кенг оммаси етарлича жалб этилмаяпти. Қабул қилинган мажбуриятлар ҳамиша ҳам конкрет ташкилотчилик — сиёсий ишлар билан мустаҳкамланмайди.

Мусобақага конкрет раҳбарлик қилишни мунтазам такомиллаштириб бориш, моддий ва маънавий рағбатлантириш омилларидан моҳирона фойдаланиш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш, қолоқлик сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш керак. Ўртоқ Ю. В. Андропов уқтириб ўтганидек, социалистик мусобақани авж олдиришда, асосий диққат-эътиборни маҳсулот сифатини яхшилашга, ишлаб чиқариш қувватлари, хом ашё, энергия, иш вақтидан фойдаланишни яхшилашга, тежамкорликни кучайтиришга қаратиш керак.

Марказий Комитет Пленумида таъкидланганидек илмий, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш ҳамиша кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг асоси бўлиб қолади. Областда коммунистлар ва партиясизларнинг сиёсий ўқувига 670 минг киши жалб этилган. Партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети кўрсатмаларини бажара бориб, меҳнаткашларни ғоявий-назарий тарбиялашни амалий вазифаларни ҳал қилиш билан узвий боғлиқ ҳолда олиб боришга эришмоқдалар. Таълим беришнинг актив формалари қатъият билан жорий этиляпти. Шу туфайли ҳар икки тингловчидан биттаси социалистик мажбуриятини, тежамкорликка қўшадиган ҳиссасини белгилаб чиққан. Ҳар беш тингловчидан биттаси рационализатор ва ихтирочидир. КПСС иқтисодий сиёсати масалаларини ўрганишга диққат-эътибор сезиларли даражада ортди.

Шу билан бир қаторда КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Пленумларида қайд этилган камчиликлар областимизда марксча-ленинча таълимни ташкил этишда ҳам учраб турибди. Қатор мактаб ва семинарлар ишида расмиятчилик, коллектив ҳаётидан ажралиб қолиш, ўқувга юзаки ёндошиш ҳоллари мавжуд.

(Давоми 2-бетда).

ИДЕОЛОГИЯ ИШЛАРИНИ ҲОЗИРГИ ТАЛАБЛАР ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

(Боши 1-бетда)

Партия ташкилотлари ўрток Ю. В. Андропов кўрсатмалари асосида сиёсий маориф, оммавий-сиёсий ўқув шахобчалари иш услубини ўзгартиришлари керак. Биринчи навбатда расмиятчиликка, ҳаммага маълум бўлган нарсаларни қайта-қайта такрорлашга барҳам берилиши керак. Бу ишда область партия комитети сиёсий маориф уйи, сиёсий маориф кабинетлари асосий роль ўйнашлари лозим. Ҳозир ўтган ўқув йилига якун ясаш, бу ишдаги аҳволни чуқур таҳлил қилиш, бўлажак машғулотларга тайёргарлик кўришга киришиш зарур. Пропагандист кадрларни мустаҳкамлаш, машғулотлар ташкилотчиларига назарий ва методик ёрдамни кучайтириш, уларни мамлакат ички ҳаёти ва халқаро ҳаёт масалаларидан хабардор қилиб туриш биринчи галдаги вазифалардан ҳисобланади.

Марказий Комитетнинг июнь Пленуми оммавий-сиёсий ишни такомиллаштириш соҳасидаги жиддий вазифаларни белгилаб берди. Кейинги йилларда областда оммавий-сиёсий ишлар сезиларли даражада яхшиланди. 125 мингдан ортиқ докладчи ва лектор, агитатор ва сиёсий ахборотчи, «Билим» жамияти аъзолари бугунги кунда партия ғояларини оммага етказмоқдалар. Лекция пропагандасининг системали формаси, савол-жавоб кечалари оммавий тус олмоқда, ахборот — пропаганда группалари бевосита жойларда суҳбатлар ташкил этмоқдалар. Шунга ўхшаш тадбирлар тез-тез ўтиб турибди.

Шунга қарамай бу соҳадаги ишлар даражаси ҳали бугунги кун талабларига тўла жавоб бермайди. Лекция пропагандаси планли ва аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда мунтазам олиб бориляпти, деб бўлмайди. Кўпгина коллективларда, айниқса кам сонли коллективларда лекциялар, суҳбатлар, сиёсий ахборотлар унда-мунда ўтказилади, улар кундалик ҳаётдан узоқ бўлади. Айрим ҳолларда партия ташкилотлари сон кетидан қувиб, лекция пропагандасига тайёргарлиги йўқ кишиларни ҳам жалб қилмоқдалар, уларга йўл-йўриқ бермаяптилар, зарур ахборот материаллари билан таъминламаяптилар.

Бу соҳада Коммунистик, Янгийўл ва бошқа айрим районларда жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Бу районлардаги партия ташкилотлари лекция ишлари, сиёсий докладчилар ва штатсиз лекторларга раҳбарликни сусайтириб юборганлар.

Оммавий-сиёсий ишлар партия ташкилотларининг ҳамиша диққат марказида турмоғи керак. Улар бу ишларга меҳнаткашларни ва аҳолини коммунистик руҳда тарбиялашдаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида қарамоқлари лозим. Шаҳар, район партия комитетлари сиёсий докладчилар ва штатсиз лекторлар группаларига, «Билим» жамияти ташкилотларига раҳбарликни сезиларли даражада кучайтиришлари, кадрлар тайёрлашни яхшилашлари зарур. Оғзаки агитация ва лекция пропагандаси ҳамиша ҳужумкор характерда, таъсирчан ва ишонарли бўлиши, фикрлар янгича ва эркин ифодаланиши керак.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми талаблари асосида омма орасида олиб борилаётган сиёсий ишлар фақат идеология ходимларига тааллуқли бўлмай, бу раҳбар партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик кадрларининг ҳам жанговар бурчи эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

Область партия ташкилоти, деб таъкидлади докладчи, сиёсий ва амалий ишларни бирга қўшиб олиб боришда бой тажрибага эга бўлган тарбиячи раҳбар кадрларнинг катта армиясига эгадир.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати каби саноат корхоналарида ўтказилаётган идеология бўйича планеркалар диққатга сазовордир. Бу корхоналарда ҳафтада бир марта хизмат кўрсатувчи тармоқлар, партия, жамоат ташкилотлари раҳбарлари иштирокида ишлаб чиқариш масалалари билан бир қаторда социалистик мусобақани ташкил этиш, оммавий-сиёсий ишларни уюштириш, коллектив маънавий ҳаётига оид масалалар ҳам муҳокама қилинади ва уларни янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланади. Бу тажрибани ҳамма жойда кенг қўллаб-қувватласа арзийди.

Ягона сиёсий кунларда раҳбар кадрларнинг иштирок этаётганлиги сиёсий ишларда яхши самара беряпти. Олмалиқ, Бекобод, Чирчиқ шаҳарларида сиёсий кунларни уюштиришда бой тажриба тўпланган. Сиёсий кун давомида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазалар умумлаштирилиб, шаҳар партия комитети бюросида, халқ депутатлари совети ижроия комитетларида муҳокама қилинмоқда. Бу таклиф-мулоҳазаларнинг бажарилиши доимо назорат остида турибди. Ўтказилаётган бундай тадбирлар омма билан алоқани мустаҳкамлашга, уларнинг эҳтиёж ва талабларини ўрганиб, таҳлил қилишга, нуқсонлар ва камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга кўмаклашмоқда.

Лекин ҳали ҳам ишлаб чиқариш вазифаларини фақат хўжалик усулида, сиёсий-тарбиявий ишларга эътибор бермай бажаришга уринаётган, кишиларнинг эҳтиёжларини қондириш устида ғамхўрлик қилмаётган, сиёсий докладчи сифатида сўзга чиқишдан ўзини олиб қочаётган раҳбарлар ҳам оз эмас. Улар хўжалик, ташкилотчилик ва сиёсий ишлар бирлиги барча муваффақиятлар гарови эканлигини тушуниб етмоқлари керак.

Партия комитетлари раҳбар кадрларнинг меҳнаткашларни сиёсий тарбиялаш ишида доимо ва албатта иштирок этишларини таъминлашдек ленинча анъанани ҳар томонлама ривожлантиришлари, тарбиявий ишларнинг хўжалик фаолиятига таъсирини оширишда раҳбарлар масъулиятини ўстиришлари, уларнинг бу соҳадаги ҳисоботларини мунтазам тинглаб боришлари керак. Раҳбарлар, хўжалик кадрлари фаолиятига баҳо бераётганда биз бундан буён ҳам фақат ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эмас, айни пайтда коллективда интизом, маънавий-сиёсий иқлим, меҳнат ва маиший шароитларни ҳам назарда тутишимиз лозим.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда ҳақиқий умумхалқ минбари бўлган оммавий ахборот ва пропаганда воситалари муҳим таъсирчан қурол вазифасини бажармоқда. Область партия ташкилоти оммавий ахборот ва пропаганданинг қудратли воситаларига эгадир. Шаҳар ва район партия комитетлари матбуотга кундалик аҳволни доимо маълум қилиб бормоқдалар, матбуот чиқишларини таҳлил этиб, уларнинг таъсирчанлигини оширишга интилмоқдалар.

Айни пайтда кўпгина газета материаллари, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда мавзуларнинг торлиги, тил ва услубнинг ночорлиги, оперативликнинг сустлиги сезилмоқда. Мусобақанинг бориши, ажойиб новаторларимиз тажрибаси қизиқарли ва таъсирчан формаларда ёритилмаяпти. Газеталар йил бошида мажбуриятларни, ташаббускорларнинг суратларини эълон қиладилару, шу билан уларни унутадилар. Шаҳар ва район газеталари кўп ҳолларда область, республика ва марказий газеталардаги материалларни кўчириб бериб, маҳаллий ҳаётга оид материалларга етарлича эътибор бермаётирлар.

Матбуотда эълон қилинаётган материалларнинг айримларида принципиаллик, танқидий руҳ сезилмайди. Кўпгина танқидий материаллар юзаки бўлиб қолмоқда. Бўка, Ўрта Чирчиқ, Чиноз районларининг газеталари ўз танқидий чиқишларининг таъсирчанлиги учун курашмаяптилар.

Журналист кадрлар ўртасида қўнимсизлик каттадир. Кейинги 7 йил давомида штатида 13 киши бўлган Ғалаба район газетасида 51 ходим, Бўстонлиқ район газетасида 38 ходим, Чиноз район газетасида 34 ходим, Орджоникидзе район газетасида эса 30 ходим ўзгарди.

Партия комитетлари оммавий ахборот органларига раҳбарликни яхшилашлари, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда улар ролини ҳар томонлама оширишлари, матбуот иши форма ва методларини такомиллаштиришлари, бир сўз билан айтганда, оммавий ахборот воситаларининг меҳнаткашларга ғоявий-ташкилий таъсир ўтказишдаги самарасини яна ҳам оширишлари керак.

Кўргазмали агитацияни ҳам янада яхшилаш керак. Кўпгина партия комитетлари ва партия ташкилотлари кишиларни тарбиялашда кўргазмали агитациядан қудратли восита сифатида фойдаланмоқдалар, замонавий техника воситаларини ишга солмоқдалар. Область партия комитети тавсияси билан барча жойларда Калинин райони тажрибаси асосида социалистик мажбуриятларни жиҳозлашга, меҳнат коллективлари сайлаб қўйилган активлар ва орденлиларнинг мажбуриятларини кўринарли қилиб ёзиб қўйишга эътибор билан қарамоқдалар.

Шунга қарамай ҳамон жойларда бир-бирини такрорловчи таъсирсиз, саводсизларча ёзилган шиорлар ва плакатларга кўзимиз тушади. Уларнинг кўпчилиги йиллаб турсада, ҳеч кимга таъсир қилмайди, ҳеч қандай идеологик вазифани бажармайди.

Шаҳар, район партия комитетлари, партия ташкилотлари кўргазмали агитация масалаларини ҳамиша ўз диққат-эътиборларида тутишлари, бу воситаларнинг ҳамма ерда таъсирсиз тарзда тўлиб кетишига йўл қўймасликлари, уларнинг кундалик муҳим вазифаларни ифодалаши, мамлакат, республика, область ва коллектив ҳаётида рўй бераётган воқеаларга оператив тарзда ёндошиши, эътиборни муҳим муаммо ва нуқсонларга қаратиши устида қайғуришлари керак.

Партия идеология ишларига комплекс ёндошув зарурлигини уқтирганда тарбиявий ишларни меҳнат коллективларида ва аҳоли турар-жойларида узлуксиз давом эттириш кўзда тутилади. Бу соҳада тўпланган тажрибалар оз эмас. Область, бир қатор район аҳоли турмуш маданиятини ошириш советлари муваффақиятли ишлаб келмоқдалар.

Бу соҳада республика Совети фаолияти биз учун намунадир. Республика Совети кўп йиллардан бери эътиборимизни ғоятда муҳим бўлган бу ишга қаратиб келмоқда. Тошкент, Чирчиқ, Янгийўлда, бир қатор шаҳар ва районларда микрорайонлардаги оммавий-сиёсий ишларни координация қилувчи Советлар тузилмоқда. Уларнинг ҳар бирига қатор партия ташкилотлари бириктириб қўйилмоқда.

Аҳолининг турли категориясини, айниқса, ётоқхоналарда истиқомат қилаётган ёшларни ҳисобга олган ҳолда бу соҳадаги ишларни яна ҳам ривожлантириш ва такомиллаштириш талаб этилади.

Янги кишини шакллантиришни жамиятга зид кўринишларга муросасиз курашнинг ажралмас қисми деб қараш керак. Областимизда ўтган йили қарийб 400 та аҳоли пункти, 750 та коллективда бирорта ҳам жиноий ҳаракатлар юз бермади. Шу аҳоли пунктлари ва коллективлар тажрибасини чуқур ўрганиш ҳамда кенг ёйиш мақсадга мувофиқдир.

Партия комитетлари, маъмурий органлар бу йўналишдаги ишларни кучайтиришлари, талабчанликни, оперативликни ва ташаббускорликни оширишлари зарур. Ҳамма жойда социалистик қонунчиликнинг бузилишига нисбатан муросасизлик ҳолатини вужудга келтириш, қонун бузиш ҳолларига қонун кучини ва жамоатчилик фикрини қарши қўйиш керак.

Маданият муассасалари идеология, оммавий-сиёсий ишларни ташкил этишда партия органларининг яқин ёрдамчилари ҳисобланадилар. Ижодий союзлар, маданият муассасаларининг меҳнат коллективлари билан ўзаро ҳамкорлиги йил сайин ривожланиб бормоқда. Олмалиқ шаҳри, Бўка ва Янгийўл районларида Тошкент театрларининг филиаллари ташкил этилди. Колхоз ва совхозларда хизмат кўрсатиш тармоқлари ва ташкилотларни ўзида мужассамлаштирган 43 та маданий ва маданий-спорт комплекслари тузилди.

Шунга қарамай, кўпгина жойларда партия ва совет органлари маданий-оқартув ишларига, меҳнаткашларнинг дам олишини уюштиришга ҳали ҳам етарлича эътибор бермаяптилар. Кўпгина маданий муассасалар фаолияти меҳнат коллективлари ҳаёти билан чамбарчас боғланмаган. Кўпгина маданият уйлари ва клублар ремонтга муҳтождир, зарур ускуналар, мебеллар, музика асбоблари йўқ даражада. Кадрлар муаммоси ҳамма жойда сезилмоқда. Областдаги мавжуд маданият ходимларининг ярмидан кўпроғи махсус маълумотга эгадир.

Область, шаҳар ва район ижроия комитетлари, область касаба союзлари Совети, хўжалик органлари аҳолига маданий хизмат кўрсатишни яхшилаш, маданий-оқартув муассасаларини ривожлантириш ва уларни тенг тартибда жойлаштириш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кадрлар тайёрлаш ва уларни мустаҳкамлаш юзасидан зарур тадбирларни кўришлари керак.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларида совет кишиларининг саломатлиги ва жисмоний баркамоллиги устида партия нақадар катта ғамхўрлик кўрсатаётганлиги алоҳида уқтириб ўтилди.

Кейинги беш йилда областда 400 дан ортиқ спорт иншооти қурилди. Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларидаги ажойиб сузиш ҳавзалари, Тошкент, Коммунистик, Янгийўл, Ғалаба, Чиноз районларидаги спорт комплекслари кўзни қувонтиради. Разрядчи спортчилар, ГТО нишондорлари сони ошди. Тошкент шаҳри ва Тошкент области спортчилари ҳозир ўтаётган СССР халқлари VIII Спартакиадаси мусобақаларида юксак натижаларни қўлга киритдилар.

Лекин шунга қарамай, ҳали ҳам бизда спорт билан мунтазам шуғулланиш тўла йўлга қўйилмаган. Спорт иншоотларидан фойдаланиш қониқарли эмас, спорт майдончалари қуриш айниқса колхоз ва совхозларда суст боряпти.

Ҳар бир партия ташкилоти, ҳар бир хўжалик раҳбари оммавий физкультура ва спорт ишларини ривожлантириш юзасидан партия берган кўрсатмаларни бажариш ниҳоятда зарурлигини ва бу давлат аҳамиятига молик муҳим иш эканлигини тушуниб етмоғи керак.

Шахснинг ҳар томонлама камол топишида соғлиқни сақлаш муассасалари катта роль ўйнашлари керак. Областда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни яхшилаш; унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан катта ишлар олиб бориляпти. Лекин булар ҳали талаб даражасида эмас. Ҳамма жойда ҳам аҳолига медицина хизмати кўрсатиш сифати қониқарли деб бўлмайди. Кишиларга эътиборсизлик билан қараш, айрим медицина ходимлари томонидан ўз хизмат бурчига номуносиб иш тутиш ҳоллари кўзга ташланмоқда. Бундан буён ҳам область соғлиқни сақлаш системасини ривожлантириш ва такомиллаштириш устида тинмай иш олиб бориш, мавжуд нуқсонларни тезда тугатиш, айниқса, оналик ва болаликни муҳофаза этиш соҳасидаги ишларни намунали йўлга қўйиш лозимдир. Медицина кадрлари ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни кучайтириш, барча аҳолини ҳар йили диспансерлардан ўтказиб туришга эришиш зарур. Партия ва совет органлари республика Компартияси Марказий Комитетининг талаблари, область партия комитети ва область ижроия комитети қабул қилган қарорлар асосида беш йиллик охиригача камида 80 процент болаларни мактабгача муассасаларга жалб этишлари лозим.

КПСС Марказий Комитети Пленумида бутун сиёсий-тарбиявий ишларни ахборот-пропаганда интервенциясини уюштиришга интилаётган синфий душманларимиз активлиги ошганлигини алоҳида эътиборга олган ҳолда олиб бориш зарурлиги уқтирилди, деб давом этди М. М. Мусахонов. Бу ҳол партия ташкилотлари, идеология кадрлари зиммасига буржуа идеологиясига қарши изчил ва оператив кураш олиб бориш, унинг реакцион моҳиятини далил ва исботлар билан очиб ташлаш, тузумимиз муваффақияти ва тарихий имкониятларини ишонарли тарзда тушунтириш вазифасини юклайди.

Ўрток К. У. Черненко докладида жуда ҳам тўғри таъкидланганидек, узунқулоқ гапларни тарқатиб юрган айрим кишиларга нисбатан принципиал партиявий баҳо бермаслик мумкин эмас. Бундай аҳволга ҳар бир коммунист, ҳар бир совет кишиси эътиборсизлик билан қарамаслиги керак.

Ўсиб келаётган ёш авлодни тарбиялаш ишига айниқса синфий, сиёсий жиҳатдан ёндошув муҳимлигини ҳамиша ёдимизда тутишимиз керак. Бу муҳим вазифани бажаришда КПСС Марказий Комитети Пленумида алоҳида таъкидланганидек, мактаблар катта роль ўйнайди, улар ишини такомиллаштиришга алоҳида эътибор билан қараш зарур. Область партия ташкилоти бу масалани ҳамиша диққат марказида тутиб келмоқда. Фақат кейинги икки йил давомида областда жами 60 минг ўқувчи ўринли мактаблар қуриб битказилди. Ўқув-тарбия ишлари даражаси ошди, мактаб ўқувчилари билими мустаҳкамланиб бормоқда.

Шунга қарамай, ўқув-тарбия ва касб танлаш ишларининг йўлга қўйилиши давр талабига ҳали тўла жавоб бермайди. Ўқув ва тарбия ишини органик ягона тарзда олиб бориш ҳамма ерда ҳам изчил амалга оширилмаяпти. Мактабларда иш самарадорлигини оширишда ўқитувчилар роли алоҳидадир. Марказий Комитет Пленумида ўқитувчилар обрў-эътиборини ошириш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитини яхшилаш, ғоявий жиҳатдан тарбиялаш ва касб маҳоратини ошириш зарурлиги беҳуда тилга олинмади. Марказий Комитет талаби биз учун қонун бўлмоғи лозим.

Шаҳар, район партия комитетлари халқ маорифи органларига раҳбарликни ҳар томонлама кучайтиришлари, оила, мактаб ва меҳнат коллективлари ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашлари лозим.

Ҳунар-техника таълими системасини ҳар томонлама такомиллаштириш ҳамиша диққат-эътиборимизда туриши керак. Бу соҳада ижобий силжишлар бўлганига қарамай, КПСС Марказий Комитети Пленумида маъқулланган ленинградликлар тажрибаси асосида ишчилар синфини мана шу системада таълим олаётган ёшлар ҳисобига тўлдириб бориш соҳасида ҳали кўп иш қилишимиз лозим.

Областда билим юртлари қуриш суръатлари талаб даражасида эмас. Қурилиш суръатининг сустлиги учун ҳам халқ хўжалиги тармоқлари эҳтиёжи малакали ишчи кадрлар билан атиги 30-35 процент миқдорида қондириляпти, холос. Чирчиқ трансформатор заводи, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати каби айрим йирик корхоналар ўз билим юртларига эга эмаслар. Коммунистик ва Паркент районларида ҳам қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари очилмаган. Тошкент тўқимачилик комбинати учун кадрлар тайёрловчи ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилар қабул қилиш планларини бажара олмаяпти. База ҳисобланган айрим корхоналар ўқув юртлари устида кам ғамхўрлик қилмоқдалар, ўқув ишлаб чиқариш устахоналари ташкил этишга ва уларни ускуналар билан жиҳозлашга эътиборсизлик билан қарамоқдалар.

Шаҳар ва район партия комитетлари, область ҳунар-техника таълими бошқармаси ҳар бир ўқув юрти ишини таҳлил этиб, улар обрўсини ошириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан изчил тадбирлар кўришлари лозим.

КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми халқ хўжалигининг етакчи тармоқлари учун ғоявий-сиёсий жиҳатдан етук мутахассислар тайёрлаб беришни олий ўқув юртлари ва техникумлардан қаттиқ талаб этди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари бу соҳада маълум тажриба тўплаганлар.

Айни пайтда айрим олий ўқув юртлари ва техникумларда етук мутахассислар тайёрлаш даражаси ҳамон пастлигича қолмоқда. Тарбиявий ишларга етарлича эътибор берилмаяпти. Ижтимоий фанларни ўқитиш сифати талаб даражасида эмас. Пировардида студентларнинг бир қисми билимларни, марксизм-ленинизм асосларини пухта эгаллай олмаяпти.

Область, шаҳар, район партия комитетлари педагогика кадрларини танлаш ва тарбиялашга алоҳида эътибор беришлари, коллективда идеологик ишларнинг аҳволи, ўқувчи ва студент ёшларни ўқитиш ва тарбиялашда бажарилаётган ишлар сифати учун партия ташкилотлари масъулиятини оширишлари лозим.

Бу соҳада ўрток Ю. В. Андроповнинг «Партия бизда инсон шунчаки, муайян билимлар йиғиндиси соҳиби бўлибгина эмас, балки аввало — социалистик жамият граждани, унга хос ғоявий йўл-йўриқларга, ахлоқ ва қизиқишларга, юксак меҳнат ва хулқ-атвор маданиятига эга бўлган коммунизмнинг актив қурувчиси бўлиб тарбияланишига эришмоқда» деган кўрсатмаси ҳаракат программаси бўлмоғи лозим.

Ёшларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашни ташкил этишда комсомолнинг роли каттадир. 670 минг йигит-қизни ўз сафига бирлаштирган область комсомол ташкилоти экономикани ривожлантиришда актив иштирок этмоқда, комсомол ва ёшлар ўртасида катта ишлар олиб бормоқда.

Бироқ комсомол ташкилотларининг барчаси ҳам юксак талаблар даражасида ишлаяпти деб бўлмайди. Айрим комсомол ташкилотлари шовқин-суронга кўпроқ берилиб, бошланган ишни охирига етказишни унутиб қўймоқдалар, тўла қувват билан ишламаяптилар.

Партия ташкилотлари комсомолга раҳбарликни ҳар томонлама кучайтиришлари, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашга, улар маҳоратини оширишга, ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўстиришга, Ленин ғояларига садоқатли, Ватанни ҳимоя қилишга ҳамиша тайёр бўлиш руҳида тарбиялашга эътиборни қаратишлари керак. Бу соҳада революция, уруш ва меҳнат ветеранлари роли бебаҳодир. Улар ёшларнинг ажойиб мураббийлари сифатида ўз ҳаётий тажрибаларини ўргатиб келмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети Пленуми кишиларни социалистик интернационализм, СССР халқлари қардошлиги ва дўстлиги руҳида тарбиялаш ишларини ҳар томонлама кучайтириш вазифасини қўйди. Интернационал тарбия деб таъкидланди Пленумда бу фақат фестиваллар, декадалар ёки юбилей саналари эмас. Интернационал тарбия барча социал-сиёсий омиллар, миллий психология ва халқлар маданияти ҳисобга олган ҳолда олиб борилиши зарур бўлган кундалик ишдир. Ўрток Ю. В. Андроповнинг «СССР 60 йиллиги» тўғрисида қилган докладида, партиянинг бир қатор маълум ҳужжатларида бу соҳадаги фаолиятимизнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.

Партия комитетлари ва ташкилотлари интернационал тарбияга, кўп миллатли коллективнинг шаклланиши ва ривожланишига эътибор билан қарашлари, Иваново области ва Болгариянинг Хасково округи, социалистик мамлакатларнинг биродарлашган шаҳарлари билан алоқа формаларини такомиллаштириш лозим.

Бу соҳада дўстлик ва ҳамкорлик, СССР халқларининг миллатлараро муомала тили бўлган рус тилининг аҳамияти алоҳидадир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XI пленуми қарорлари асосида бу соҳадаги ишларни такомиллаштириш, областда, айниқса армияга чақирилиш ёшидаги йигитлар ўртасида рус тилини чуқур ўрганишни ташкил этиш муҳим вазифадир. Интернационалчи ватанпарварларни тарбиялаш ишида Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги, Тошкент шаҳрининг 2 минг йиллигига тайёргарлик ишларидан ҳар томонлама фойдаланиш керак. Совет турмуш тарзи, социалистик тузум афзалликларини актив пропаганда қилиш, ҳар бир киши эришилган муваффақиятларимиз моҳиятини тушуниб етиши зарур. Атеистик пропагандани жанговар, ҳужумкор руҳда олиб бориш, унинг форма ва методларини ҳар томонлама такомиллаштириш, янгича социалистик урф-одатлар ва анъаналарни ҳаётга изчил сингдириш муҳим вазифадир.

Марказий Комитет Пленумида кадрлар идеология ишининг энг муҳим звеноси деб таъкидланди. Областда малакали, тажрибали кадрларнинг катта армияси меҳнат қилмоқда. Айни пайтда жамиятимизнинг ҳозирги тараққиёт даражаси идеология ишларига, ўз-ўзидан равшанки, бу соҳа кадрларига бўлган талабни яна ҳам ошириб юборди. Область, шаҳар, район партия комитетларининг бўлимлари кадрлар билан ишлашни бундан буён ҳам такомиллаштиришлари, улар эътиборини ғоявий-сиёсий вазифаларни комплекс ҳал этишга қаратишлари лозим. Раҳбар кадрлар тайёрлашда марксизм-ленинизм университетлари ролини ошириш, улар тармоғини кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бугун биз КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини муҳокама қилиб, коммунистик қурилиш вазифаларини ҳал этишда идеология ишларини янада ривожлантириш ва улар ролини ошириш юзасидан йўл-йўриқларни белгилаб оламиз. Тажриба шуни кўрсатмоқдаки, партия ташкилотлари меҳнаткашларни зиммага юкланган вазифаларни бажаришга сафарбар этишда ғоявий тарбиянинг барча системасидан қаерда кўпроқ фойдаланаётган бўлсалар, ўша ерда ишлар муваффақиятли боряпти. Шундан келиб чиқиб, шаҳар, район партия комитетлари пленумларида, коммунистларнинг йиғилишларида КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми якунларини муҳокама қилиш, йўл қўйилган нуқсонларни аниқлаб, уларни бартараф этиш, идеология, оммавий-сиёсий ишлар даражасини янада ошириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб олиш зарур. Бўлажак ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва партия конференцияларида ҳам бу масалалар алоҳида ўрин эгаллаши лозим.

Партия комитетлари совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари куч-ғайратини координациялаш, Пленум талабларини бажаришда уларга ёрдам бериш, сиёсий-тарбиявий, маданий-оммавий ва спорт ишларида актив иштирокларини таъминлаш лозим.

Ҳозирги шароитда идеология ишларининг бош вазифаларини белгилаб ўрток Ю. В. Андропов таъкидладики, идеология иши бутун партиянинг ишидир. Шу кўрсатма асосида партия комитетлари, партия бюролари, секретарлар, барча бўлимлар олдига тарбиявий ишлар билан доимий шуғулланиш вазифаси қўйилади. Июнь Пленумида партия олға томон тарихий тараққиётимизнинг аниқ йўл-йўриқларини белгилаб берди. Эндиликда ҳамма иш белгиланган кўрсатмаларни конкрет мақсад ва вазифа билан бойитишда қолган. Бу кўрсатмалар ҳар бир шаҳар ва район, ҳар бир меҳнат коллективи ҳаётига тааллуқлидир. Кўпроқ ташаббус кўрсатиш, «юқоридан» бўладиган қўшимча кўрсатмаларни кутмай, ҳаракат қилиш талаб этилади.

Партия комитетлари ва ташкилотлари тарбиявий ишга комплекс ёндошувни таъминлашлари, илғор тажрибаларга эътибор билан қарашлари, формализм ва бир-бирини такрорлашга қарши кескин кураш олиб боришлари марказий вазифа қилиб қўйилди. Тарбиявий ишга кабинетдан туриб раҳбарлик қилиш, сон кетидан қувиш ва бошқа ҳар хил сунъий кўринишларга қарши кескин кураш олиб бориш лозим. Кишиларнинг ижодий куч-ғайратини сафарбар этиш бўйича узоққа мўлжалланган планли иш олиб боришимиз, уларнинг меҳнат ва социал активлигини оширишимиз зарур. Область партия ташкилоти бутун эътиборини мана шу мақсадларга эришишга қаратмоғи керак.

Ўрток Ш. Р. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пленумида сўзлаган якунловчи нутқида эътиборимизни ярим йиллик ва ўн биринчи беш йилликнинг ярми якунларини чуқур таҳлил қилишга, камчиликларни бартараф этиш тадбирларини белгилашга, меҳнат коллективлари куч-ғайратини 1983 йил социалистик мажбуриятларини бажаришга йўналтириш зарурлигига қаратди. Кундалик вазифаларни ҳал этиш билан бирга ҳозирнинг ўзида бутун халқ хўжалигини қишки шароитда ишлашга тайёрлаш юзасидан актив иш олиб бориш лозим. Ташкилий партиявий ишларни кучайтириш, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига ва турмушга партиявий таъсирни муттасил ошириш муҳим вазифа қилиб қўйилди. Бизнинг бутун куч-ғайратларимиз ана шу мақсадларга эришишга қаратилиши лозим.

Ўрток М. М. Мусахонов пировардида Тошкент область партия ташкилоти коммунистик бунёдкорликнинг улуғвор режаларини амалга ошириш учун курашда меҳнаткашларнинг ғоявий эътиқоди ва активлигини янада ошириш учун ташкилотчилик ва сиёсий ишларни аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда олиб боради деб КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирди.

* * *

Доклад юзасидан музокаралар бошланди. Сўз Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари **М. Ф. Солдатов**га берилади.

— Республика пойтахти коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўрток Ю. В. Андроповнинг нутқида баён этилган қоида ва хулосаларни якдиллик билан қўллаб қувватламоқдалар,— деди у.— Идеология ва оммавий-сиёсий ишларни тубдан қайта қуриш, унинг форма ва методларини муттасил такомиллаштириб бориш ҳозирги куннинг асосий вазифаси қилиб қўйилмоқда.

Сиёсий ва иқтисодий ўқув системасида билим олаётган тингловчиларнинг 70 проценти шахсий ижодий планга эгадир. Бу тадбир социалистик мусобақа таъсирчанлигини янада оширишга ёрдам беряпти. Корхоналарда ишни ташкил этишнинг бригада формаси кенг қулоч ёймоқда. Бунинг натижалари қувончли бўляпти. Бригада пудрати шарофати билан ўтган йилнинг шу даврига нисбатан иш вақтининг бекорга йўқолиши 15 процент қисқарди.

Кейинги йилларда ҳунар-техника билим юртларини тамомлаб чиқаётган ёшлар сафи яна ҳам кенгайди. Лекин биз бу соҳада мамлакатнинг йирик саноат марказларидан орқада қоляпмиз. Масалан, Ленинградга қиёслаганда ҳунар-техника билим юртини тамомлаб чиқувчилар сонини икки баравар ошириш талаб этилади.

Нотиқ ҳунар-техника билим юртлари учун инженер-педагог кадрлар тайёрлаш ишини яхшилаш зарурлигини уқтирди. Ҳозирча республикада бундай ўқув юрти йўқ. Бу муаммони ҳал этиш вақти келганга ўхшайди. Юқори органлар бу масала хусусида ўйлаб кўришлари мақсадга мувофиқдир.

Минбарда Паркент район партия комитетининг биринчи секретари **А. П. Алимов.**

— Ҳозир КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткаш онгига ва қалбига тезроқ етказишдан ҳам муҳимроқ иш йўқ,— деди у.— Паркентликлар партия даъватига амалий иш билан жавоб бериб қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўпгина турларини етиштириш бўйича ярим йиллик топшириқни муддатидан олдин адо этдилар. Ҳозир бошоқли дон экинларини йиғиштириб олиш қизғин давом этмоқда.

Нотиқ район истиқболи устида алоҳида тўхталди. Беш йиллик охиригача районда 15 миллион сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари барча турларини етиштириш эса икки баробар кўпаяди.

Районда зудлик билан бартараф этилиши лозим бўлган нуқсонлар ҳам йўқ эмас. Совхозларда меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, атеистик тарбияни намунали йўлга қўйиш шу кундаги муҳим вазифалардир.

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси аппаратчиси **Л. Я. Шейка** план ва мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлашда оммавий-сиёсий ишларнинг роли тўғрисида гапирди. Корхонада кенг қулоч ёйётган мураббийлик ҳаракати яхши самаралар беряпти. Ҳар бир бригадада ижодий муҳит яратилмоқда. Ёшлар вақтдан юксак унум билан фойдаланишга интилмоқдалар. Коммунистик меҳнат мактабларида экономикани чуқур ўрганиш йўлга қўйилган. Ҳар соҳада резервлардан унумли фойдаланишга алоҳида эътибор беряпти.

— Идеология ва оммавий-сиёсий ишлар ҳамиша диққат-эътиборимизда бўлиб келяпти,— деди Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **Ш. З. Камолхўжаев.**— Ягона сиёсий кунлар, очиқ хатлар куни ўзини оқламоқда. Ангренни коммунистик меҳнат ва турмуш шаҳрига айлантириш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирлар меҳнаткашлар муҳокамасига ҳавола этилди.

Нотиқ ютуқларни таъкидлаш билан бирга йўл қўйилаётган нуқсонларни ҳам тилга олиб ўтди. Айрим корхоналарда қувватлардан ҳамон тўла фойдаланилмаяпти. Маҳсулот сифатини яхшилаш, илғорлар тажрибасини оммалаштириш устида ҳам алоҳида қайғуриш керак.

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениеси секретари **Б. С. Пармузин** ёзувчиларнинг омма орасида олиб бораётган тарбиявий ишлари, ижодий учрашувлар ҳақида гапирди.

«Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори **И. Х. Мусин** идеологик, оммавий-сиёсий ва хўжалик ишлари бирлиги туфайли эришилаётган муваффақиятлар устида тўхталди. Тарбиявий ва хўжалик ишларини бирга қўшиб олиб бориш яхши самаралар беряпти. Ҳозирги кунда сифатни комплекс бошқариш системаси жорий этилган, ишчиларнинг меҳнат ва турмуш шароити янада яхшиланган. 456 бригада шу кунларда нарядсиз усулда ишламоқда. Уларга 6 мингга яқин ишчи бирлашган. Бу усул қўнимсизликни камайтиришга ёрдам беряпти. Идеология ва оммавий-сиёсий ишларни такомиллаштириш меҳнат интизомини мустаҳкамлашга, камчиликларни бартараф этишга ёрдам беряпти.

Тошкент область касаба союзлари Совети раиси **А. В. Бранлов** барча жойларда меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини тезкорлик билан жорий этиш зарурлигини уқтирди. Кўпгина касаба союз комитетлари бу соҳада яхши тажриба тўплаганлар. Эндиликда улар тажрибаси кенг қулоч ёймоқда. Бригадирлар ва касаба союз группалари ташкилотчиларининг яқинда бўлиб ўтган область слёти ҳар жиҳатдан фойдали бўлди. «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталари билан ҳамкорликда бевосита корхоналарда ўтказилаётган ишлаб чиқариш новаторларининг давра суҳбатлари ҳам яхши самара беряпти. Нотиқ тарбиявий ишларни яхшилашда мусобақанинг роли нақадар катта эканлигини алоҳида таъкидлади.

«Тошкент ҳақиқати» газетаси редактори **Н. Н. Насимов** КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми қарорларини кенг тарғиб этишда редакция коллективи бажараётган ишларни таҳлил қилиб берди. Бу соҳада катта ишлар қилинмоқда. Лекин айрим партия комитетлари ва хўжалик раҳбарлари матбуотнинг танқидий чиқишларига ҳамиша эътибор билан қарамаяптилар, номига жавоб бериш билан чекланмоқдалар.

Кўпгина материалларнинг ғоявий даражаси ва айрим журналистлар маҳорати бугунги кун талабларига тўла жавоб бермаётганлигини нотиқ алоҳида уқтириб ўтди. Журналист кадрларни танлаш, редакциялар партия ташкилотлари ролини ошириш устида алоҳида қайғуриш керак.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ректори **С. И. Искандаров** коллектив ўртасида КПСС Марказий Комитети июнь Пленуми материалларини ўрганиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида гапирди. Бу соҳада КПСС тарихи кафедраси фаолияти диққатга сазовордир. Кафедра ташаббуси билан В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали залларида қизиқарли машғулотлар ўтказилмоқда, ленинча жумаликлар мунтазам ташкил этилмоқда. Айни пайтда институт коллективи 500 га яқин чет эллик студентларни сиёсий жиҳатдан тайёрлашга ҳам ўз ҳиссасини қўшяпти. Институтда бадиий ҳаваскорлик, спорт ишларини ривожлантиришга катта эътибор беряпти. Кўплаб халқ университетлари ишлаб турибди.

В. В. МАЯКОВСКИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИГА

ИНҚИЛОБНИНГ ОТАШИН КУЙЧИСИ



Ўша куни — 1893 йил 19 июлда Кавказда, ўрмончи Владимир Маяковскийнинг оиласида туғилган Владимир бир неча ўн йилдан сўнг ўз шеърлари билан бутун жаҳонда машҳур бўлиб кетишини бирон киши ўйламаган бўлса керак...

Фаол, ўқувли, истеъдодли Володя гимназияда ўқий бошлайди. «Биринчиман. Ҳамма баҳоларим: беш! Жюль Верни ўқимоқдаман. Асарлари мўъжизали. Соқол қўйган бир кимса менда рассомлик лаёқати борлигини сезибди. Текинга ўқитяпти», деб ёзган эди кейинчалик шоир ўз таржиман ҳолида. Ўша пайтда Маяковскийни энг қизиқтириб қолган нарса эса бутун Россияни қамраб олган 1905 йилги жўшқин революцион воқеалар эди. Революция тўлқини Кавказга ҳам етиб келди. «Намойиш ва митинглар бўляпти,— деб ёзади Владимир.— Уларда мен ҳам иштирок этяпман. Жуда соз».

1906 йилда отасининг вафотидан сўнг Маяковскийлар оиласи Москвага кўчиб келади. Бу ерда Владимир халқ озодлиги ва бахт-саодати учун нима қилиш кераклигини биладиган ишчилар билан учрашади. У 15 ёшлигида большевиклар партиясига аъзо бўлиб киради. Шу тариқа Маяковскийнинг социалистик Россия учун революцион кураш йўли бошланади. Худди ўша пайтда унда янги, социалистик санъатга интилиш туғилади.

Москвада Маяковский машҳур «Чалворли булутлар» ва «Уруш ва тинчлик» поэмаларини ёзади. Бу асарлари қуллик занжиридан ва очликдан ҳалос этилган Инсонга чуқур ишонч билан суғорилгандир. Уларда Россияда революцион ўзгаришлар яқинлиги ўз ифодасини топган.

1914 йилда Маяковский «Чалворли булутлар» поэмаси устида ишлашни бошлар экан, шундай деб ёзган эди: «Маҳоратни ҳис этяпман... Мавзу ҳақида масала қўйяпман. Революцион мавзу ҳақида».

Бу поэмасидаёқ шоир инсоннинг маънавий, ахлоқий, эстетик, социал табиатини революцион ўзгартиришдек буюк муаммони ўртага ташлайди. У бу муаммога қайта-қайта ўзининг сўнгги шеърларида, ҳаётининг сўнгги кунларида ҳам мурожаат этади.

Шоирни ҳаммадан ҳам кўпроқ инсонларга Инсон бўлишга халақит бераётган нарсалар ташвишлантиради. Маяковский инсонга инсон душман бўлган эски тузумнинг маънавийсизлигини ҳис этади. Бу дунёда ёлғизлик, турмушнинг фожиавийлиги, жамиятда қувғин қилиниш миллионлаб хўрланганларнинг тақдирига айланган эди.

Шоир инсон қалбининг, халқ қалбининг янгиланиши, қайта туғилишини дунёни революцион ўзгартириш билан боғлиқ деб ҳисоблайди.

Худди ана шундай, ёшлик пайтидан бошлаб ўз тақдирини асрнинг революцион ғоялари билан боғлаган шоир 1917 йилнинг октябрь кунларида, Россияда эски тузум ҳалокатга учраётган ва янги дунё туғилаётган кунларда «Менинг революциям» дея олиши мумкин эди. Шоир кўпгина софдил рус зиёлилари «Революцияни қабул қилиш ёки қабул қилмаслик» тўғрисида ўй сураётган пайтда ўз истеъдодини инқилобга хизмат қилишга бахш этади. Бу Маяковскийнинг гражданлик жасорати, унинг ижоди, инсонпарварлик моҳиятининг ёрқин кўриниши эди.

Россия революциясининг алангасида янги Инсон туғилаётган эди. У шоир қалбини инқилобга беғараз хизмат қилиши, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чуқур ҳис этиши, коммунистик эътиқоди, маънавий баркамоллиги, виждонлилиги билан ларзага соларди. Шунинг учун бундай Инсон Маяковский шеърларининг бош қаҳрамонига айланади. Шоир ўз қаҳрамони билан революцион Россиянинг йўлларидан елкама-елка туриб қадам ташлар экан, ўзини ҳам жонажон диёрда бўлаётган буюк ўзгаришларга дахлдор деб ҳисоблайди. Адиб учун ўз халқи, ўз Ватани билан бирга бўлишдан ҳам муқаддасроқ туйғу йўқ. У «Мен бу кучнинг бўлаги эканлигимдан, ҳатто кўзларимиздаги ёш ҳам умумий эканлигидан бахтиёрман», деб ёзади.

Шоир доҳий ва инсон — Владимир Ильич Лениннинг жонли, тўлақонли, тарихан аниқ образини яратади. У Лениндаги энг асосий ҳислатлар — унинг буюк революцион инсонпарварлигини иложи борича ёрқин ва тўлиқ ифода этишга интилади. Шу тариқа Маяковский поэзиясида халқ доҳийсининг мангу барҳаёт образи юзага чиқади. Бу Маяковскийнинг, буюк новаторона бадиий кашфиёти эди. Бу кашфиётни фақатгина бетакрор истеъдоди билан бир қаторда ўз жонли, ҳужумкор, илҳомбахш сўзи билан Россияни революцион қайта қуриш учун курашаётган шоир яратиши мумкин эди.

Маяковскийнинг лирик қаҳрамони Советлар ҳокимиятини гражданлар урушининг суронли бўронида ҳимоя қиларди. У Ленин партиясининг садоқатли аъзоси, унинг ишончли жангчиси эди. Маяковскийнинг қаҳрамони шоирнинг ўзидек буюк ватанпарвар ва буюк интернационалист эди. У биринчи коммунистик шанбаликларда қаҳратон қишда ҳам, ёз жазирамасида ҳам сидқидилдан меҳнат қиларди, узоқ, инсон қадами етмаган ерларда улкан корхоналарни барпо этарди. Бу корхоналар шоир сўзлари билан айтганда, «мартенларнинг юзлаб қуёши билан Сибирни нурафшон қилишга қодир» эди. Шоир қаҳрамони беғараз дўстона қўлини бутун дунё халқларига узатарди, буржуа жамиятининг эксплуататорлик моҳиятига, Италия ва Германияда туғилаётган фашизмга муросасиз эди. У Американи ўзича кашф этди. Шоир қаҳрамони келажакда бу миллионерлар ва осмонўпар бинолар мамлакати охири вой бўлган буржуазия тузумининг қуролланган сўнгги ҳимоячиси бўлиши мумкин, деб таъкидлаган эди.

Шоирнинг лирик қаҳрамони сотиладиган ва сотиб олинадиган муҳаббатни рад этарди. У улкан муҳаббат ҳақида орзу қиларди. Бу қаҳрамон мешчанликка, буюм ва пулларнинг ҳукмронлик қилиши ва маънавий қашшоқликка муросасиз эди.

Виждон, саховат, саҳийлик муаммолари тобора катта аҳамият касб этаётган ҳозирги давримизда Маяковскийни янги, социалистик лириканинг буюк шоири сифатида янада тўлароқ тушуниш жуда муҳимдир. Бу соҳада у XX аср жаҳон поэзиясининг кашшофларидан ҳисобланади.

Маяковскийни шон-шуҳрат — «кўп пудли бронза» қизиқтирмайди. Йўқ! Шоирни ўз вафотидан сўнг унинг ҳаёти ва шеърларини истаганча изоҳлашга ҳаракат қиладиганлар пайдо бўлиб қолиши тўғрисидаги ўй ташвишлантиради. Улар Маяковский ўз санъатини большевиклар сиёсатига, Россия пролетариатининг революцион курашига бўйсундириб, ўзи эса социализмнинг «қурбони» бўлди, деб даъво қилишлари мумкинлигидан ташвишланарди. Унинг тахминлари тўғри бўлганлигини баъзи америкалик адабиётшуносларнинг Маяковский ижоди ҳақидаги уйдирмалари кўрсатиб турибди.

Аммо шоирнинг ўзи эса ижодини социализм учун бағишлаганидан бахтиёр эди. Шеърларидан бирида шунинг учун ҳам «жангларда барпо этилган социализм ҳаммамиз учун умумий ёдгорлик бўлсин», деб таъкидлаганди.

«Биз ёш пайтимизда ҳаммамизни ларзага солган Маяковскийнинг овози янграйди, — деб ёзган эди чилилик буюк шоир Пабло Неруда.— Унинг овози қурувчи болғасига ўхшарди... Маяковскийнинг асарлари ҳозир ҳам асримиз поэзиясининг энг буюк намунаси бўлиб хизмат қилмоқда».

Юрий ПРОКУШЕВ,
ёзувчи.

(АПН).

ҲАВЗАЛАРДА ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Кейинги йилларда областимизда балиқчиликни ривожлантириш юзасидан бир қатор амалий тадбирлар кўрилди. Жойлардаги ҳавза майдонлари кенгайтирилди, ҳосилдорлиги оширилди. Жумладан «Балиқчи», «Дамачи» балиқчилик хўжаликлари йилдан-йилга юқори кўрсаткичларга эришиш учун курашмоқда. Илғор балиқчилар беш йиллик планларини тўрт йилда бажариш, ҳар гектар «мовий майдон»лардан 40—42 центнердан балиқ етказиб бериш учун курашмоқдалар. СССРнинг Озиқ-овқат программаси бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш учун курашаётган областимиз балиқчилари бу йил ҳам зиммаларига юксак социалистик мажбуриятлар олган ҳолда меҳнат қилмоқдалар. Улар ўз мажбуриятларини муваффақиятли бажариш, эл дастурхонига мўл-кўл парҳез балиқ гўшти ва балиқ маҳсулотлари етказиб бериш учун барча резервларини ишга солмоқдалар. Ҳар бир қулай фурсатдан, имкониятдан фойдаланиб ўзаро мусобақани авж олдирмоқдалар. Бу соҳада Бўстонлиқ районидаги «форель» балиқчилик хўжалигида ҳам бирмунча ибратли ишлар қилинди. Бу хўжалик ишчи-хизматчилари ҳам ўзларининг анъанавий байрамларига муносиб меҳнат совғалари билан келдилар.

Бўстонлиқ районидаги экспериментал ихтисослаштирилган форель хўжалиги областимиздагина эмас, балки республикамизда ягонадир. Бу хўжалик 1978 йилдан бошлаб маҳсулот бера бошлаган эди. Ўша йили бир тонна, 1979 йилда эса 2 тонна форель балиғи давлатга топширилди.

Бу кўрсаткичлар хўжалик имкониятини ҳисобга олганда анча паст эди. Хўжаликка раҳбарлик ишлари яхши йўлга қўйилмаган мутахассис кадрлар етишмасди. Бу ердаги аҳволни ўз вақтида пайқаган район партия комитети хўжаликка ишчан, тадбиркор коммунист Неъмат Файзуллаевни раҳбар қилиб тайинлади.

Янги раҳбар ишни кадрлар танлашдан бошлади. Хўжаликни тажрибали мутахассислар билан мустаҳкамлади. Ёшларни хўжалик ҳисобидан турли ихтисослик бўйича олий ва ўрта махсус ўқув юртларига ўқишга юборди, малакаларини оширди.

Мана энди бутунлай бошқача манзара. Ҳозир хўжаликда форель балиқларини жадал суръатларда кўпайтириш учун барча шароитлар мавжуд. Кўкламда Чорвоқ сув омборига 300 минг дона балиқча ташланди. Улар бу ерда кўпайиб тез етилмоқда.

— Форель балиқларини кўпайтириш, уларни парваришлаш жуда мураккаб жараён,— дейди хўжалик директори Неъмат Файзуллаев.— Айниқса, уларнинг уруғини олиш даврида ниҳоятда тадбиркорлик билан иш юритиш талаб этилади. Бу даврда салгина бўлсада хатолик ўтса кўплаб балиқчалар нобуд бўлиши мумкин. Форель жуда ҳам секин етилади. Ҳар бир балиқнинг ўртача вазни 350—400 грамм бўлиши учун камида 2 йил парвариш қилиш керак. Шундай бўлса ҳам барча имконият ва резервлардан тўла фойдаланишга ҳаракат қиляпмиз. Бунинг самараси оз бўлсада сезиляпти. Ўтган йилда давлатга 12 тонна балиқ сотган эдик. Бу йил эса 13 тоннага етказиш учун курашяпмиз.

ЭРТАГА — БАЛИҚЧИЛАР КУНИ

1985 йилга бориб хўжаликда йилига 20 тонна форель балиғи етиштириш кўзда тутиляпти. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб пухта замин тайёрланяпти.

Бу ерда иккинчи муҳим тармоқ — ёрдамчи хўжалик ҳам жадал суръатда ривожлантириляпти. Ҳозир 20 бош қорамол, 5 та бузоқ, 10 та қўй, мингдан зиёд парранда боқиляпти. Йил охирига бориб қорамоллар сони 30 бошга, қўйлар сонини 20 тага, паррандаларни эса 1,5 мингтага етказиш кўзда тутиляпти.

Икки йилдирки, гўшт, сут, тухум ва сабзавот маҳсулотлари хўжаликнинг ўзидан чиқяпти. Шунингдек, 300 квадрат метр майдонга эга бўлган теплица хўжалигида йил давомида лимон, помидор, бодринг ва кўкатлар етиштириляпти, эҳтиёждан ортиқчаси давлатга топшириляпти. Ҳозир хўжаликда теплицани яна 200 квадрат метрга кенгайтириш ишлари олиб бориляпти. Шу тариқа форель хўжалигида ноз-неъматларнинг барча турлари муҳайё бўлади.

С. МАТЕҚУБОВ.

ШИФОКОРЛАР— МАҲАЛЛАДА

Пойтахтимиздаги Собир Раҳимов районининг Ойбек номли маҳалласи клубида тез-тез давра столи атрофида суҳбатлар, турли кечалар, учрашувлар ўтказиш яхши анъанага айланиб қолган. Навбатдаги учрашувга шифокорлар таклиф қилинди.

Райондаги 7-болалар поликлиникаси бош врачи Васила Ғиёсова болаларда учрайдиган юқумли касалликлар ва унинг олдини олиш йўллари ҳақида суҳбат ўтказди. Поликлиниканинг бўлим мудири С. Баранцева ва участка врачи Р. Еспанбетовалар аёлларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар. Улар бола тарбиясига оид масалалар хусусида ҳам тўхталдилар.

У. ПЎЛАТОВ.

«ЗАНГОРИ ЭКРАН» ҲАФТАЛИГИ

11 ИЮЛЬ—17 ИЮЛЬ

11 ИЮЛЬ, ДУШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Ўсмирлар ижоди». 10.10— «Саёҳатчилар клуби». 11.10 — Болалар учун фильм. «Оқ тиш». 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.20 — «Звездочёт». 17.00 — «Объектив» 17.30 — «Оддий мўъжизалар». 17.55 — Концерт. 18.25 — «Монголия». Киноочерк. 18.45 — Мультфильм. 19.05 — Г. Свиридов. Патетик оратория. 19.40 — «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат»». 20.10 — «Шох марҳамати». Фильм спектакль. 21.30 — «Время». 22.05 — Фильм-концерт. 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 — «Футбол шарҳи».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий оммабоп фильмлар. 9.55 — «Ҳар кеч ишдан сўнг». Бадиий фильм. 11.05 — Фильм-концерт. 11.35 — Н. Г. Гарин-Михайловский. Портретга чизгилар. 12.15 — Концерт. 12.35 — Болалар учун фильм. «Болаликда, ажойиб бир пайтда...» 13.45 — «Будильник». 14.15 — Ҳужжатли фильмлар. 15.05 — «Фан ва турмуш». 15.35 — «Рус тили». 16.05 — Фильм-концерт. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Латвияда Бутуниттифоқ тасвирий санъат ҳафталиги. 19.30 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Халқаро панорама». 21.30 — «Время». 22.05 — «Ўшанда сен қайтиб келасан». Телевизион бадиий фильм. 23.05 — «Оҳ менинг сўнгги муҳаббатим». Фильм-концерт.

ЎзТВ I. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — «Қўшиғим, жон қўшиғим». 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.00 —«Ёдимизда ва қалбларимизда ҳамиша». 19.30 «Ахборот». 19.45 — «КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Лирик концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Бугун оламда нима гап?». 22.20 — «Шошилинч чақириқ». Бадиий фильм. 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00 — 16.30 — МТ-II. 17.55 — Ҳужжатли фильм. 18.05 — Она тили. 18.35 — «Сурилган қирғоқлар». Бадиий фильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — «Эртага премьера». 21.30 — МТ II.

12 ИЮЛЬ, СЕШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Фильм-спектакль. 11.00 — «Қўшиқ, романс, вальс». 11.35 — Телеочерк. 12.15 ва 15.00— Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — «Темур ва унинг командаси». Бадиий фильм. 1-серия. 17.15 — «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 17.45 — Ҳужжатли фильм премьераси. 18.15 — «Шахмат мактаби». 18.45 — Телеочерк. 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 Мультфильмлар. 19.55 — «Фан ва турмуш». 20.25 — Экранда — кинокомедия. «Висолга ошиқаётган қиз». 21.30 — «Время». 22.05 «Эрнест Буш куйлайди». Уч серияли телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 1-фильм. 23.15 — «Спорт ҳафталиги». 23.45 — «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.05 — «Ўшанда сен қайтиб келасан». Телевизион бадиий фильм. 11.05 — «Буратино кўргазмаси». 11.30 — Мультфильм. 11.55 — Ҳужжатли фильм. 12.05 — Француз тили. 12.35 — Болалар учун фильм. «Анискин ва Фантомас». 1-серия. 13.40 — А. Дворжак Еттинчи ре минор симфонияси. 14.20 — Илмий-оммабоп фильм. 14.50 — Фильм-концерт. 15.20 — «Ёнингдами ўрток...» 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — «Онамларнинг мактаби». 19.20 — Концерт. 20.00 — «Ҳамдўстлик». 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Мотокросс бўйича жаҳон чемпионати. 21.15 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Матильданинг ултиматуми ёки «Домовой»ни ким ёзган». Телевизион бадиий фильм.

ЎзТВ I. 18.05 — Болалар учун фильм. «Нептун Қорақумда». 18.20 — «Юлдузча». 18.50 — Ҳужжатли фильм. 19.00 — «Ҳар бир иш жойида»». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Концерт. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концертнинг давоми. 21.30 — «Время». 22.05 — «Ғўза парваришига — аъло сифат». 22.25— «Қўқон воқеаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия. 23.30 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00 — 16.30 — МТ II. 18.00 — Биология. 18.30 — «Шеърият дафтаридан». 19.00 — Телефильм. 19.20 — «Она шаҳрим — Тошкентим». 19.50 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.15 — Фильм-портрет. 21.30 — МТ II.

13 ИЮЛЬ, ЧОРШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Мультфильмлар. 10.10 — Концерт. 10.55 — «Экранда кинокомедия». «Висолга ошиқаётган қиз». 12.00 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — Болалар учун фильм. «Темур ва унинг командаси». 2-серия. 17.15 — Концерт. 17.45 — «Горнчилар, қаердасиз!». 18.30 — «Партия ҳақида ҳикоялар». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — «Сиз яратган боғ». 20.00 — Ц. Пуни. «Па-де-катр». 20.30 — Франция телевидениесининг программаси. 21.30 — «Время». 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси) — «Динамо» (Минск). 2-тайм. 23.45 — «Дунё воқеалари».

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — «Матильданинг ултиматуми ёки «Домовой»ни ким ёзган». Бадиий фильм. 10.55 — Мультфильм. 11.15 — Концерт. 11.35 — С. Соловейчик. «Етти шамол тўдаси». 6-воқеа. 12.20 — Немис тили. 12.50 — Болалар учун фильм. «Анискин ва Фантомас». 2-серия. 13.55 — Илмий-оммабоп журнал. 14.25— Фильм-концерт. 14.55 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 15.25— «Ҳаракат хавфсизлиги учун». 15.55 — И. Брамс. Паганини мавзуларига ёзилган вариациялар. 16.20 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 —Ҳужжатли фильм. 19.05 — А. Даргомижский романслари. 19.30 — Г. Успенский. Асарлари саҳифаларида. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Келажакдаги уйлар». 21.30 — «Время». 22.00 — «Беҳаловат ёз». Бадиий фильм. 23.05 — Концерт.

ЎзТВ I. 11.30 — Телефильм. 12.00 — «Тулпорим, Мелиқуш». 13.15 — Иншо қандай ёзилади? 13.45 — «Қўқон воқеаси». Кўп серияли бадиий фильм. 1-серия. 18.05 — Қўғирчоқ фильм. 18.20 — «Абитуриент-83». 18.50 — Телеконкурс. 19.30 — «Ахборот». 19.45 — Телеконкурснинг давоми. 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Бугун оламда нима гап?». 22.15 — «Қўқон воқеаси». Кўп серияли бадиий фильм. 2-серия. 23.20 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00 — 16.30 — МТ II. 18.00 — Математика. 19.00 — «Томорқада экинлар». 19.30 — Телефильм. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — В. Маяковский туғилган куннинг 90 йиллигига. «Хайқириқ». 21.15— Телефильм. 21.30 — МТ II.

14 ИЮЛЬ, ПАЙШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Концерт. 10.20 — «Ҳайвонот оламида. 11.20 — Болалар учун фильм. «Сеҳрли доира». 1-серия. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Телевизион ҳужжатли фильмлар. 16.25 — Рус тили. 16.55 — «Бригада пудратининг имкониятлари». 2-кўрсатув. 17.25 — Адабий ўқиш. 18.05 — Концерт. 18.35 — Телевизион очерк. 19.15 — Дунё воқеалари». 19.30 — Ҳужжатли фильмлар. 19.55 — Фильм-концерт. 20.25 — Телевизион бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Черноморец». 23.45 — Дунё воқеалари.

МТ II. 9.00 — Эрталабки гимнастика. 9.20 — Илмий оммабоп фильмлар. 10.00 — «Беҳаловат ёз». Телевизион бадиий фильм. 11.05 — Онамларнинг мактаби. 11.35 — Испан тили. 12.05 — Ўқитувчига — музика сабоғи. 12.40 — Адабий ўқиш. 13.15 — Мультфильм. 13.30 — Концерт. 13.50 — «Горнчилар қаердасиз?» 14.35 — «Шаҳзода Флоризелнинг саргузаштлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.40 — Концерт. 16.25 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Музикали кўрсатув. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар», 20.45 — Илмий-оммабоп фильм. 21.00 — Фильм-концерт. 21.30 — «Время». 22.00 — «Оддий вазият». Телевизион спектакль.

ЎзТВ I 11.30 — Телефильмлар. 12.30 — Қўғирчоқ фильм. 13.00 — «Қўқон воқеаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 17.55 — Мактаб ўқувчилари учун. «Бирга бўлсак ҳаммамиз». 18.30 — «Меҳнат семестри бошланди». 19.00 — Ахборот. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Днепр». 21.20 — Катталар учун мультфильм. 21.30 — «Время». 22.00 — «Озиқ-овқат программаси — халқ фаровонлигининг асоси». 22.20 — «Қўқон воқеаси». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. 23.25 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00 — 16.30 —МТ II. 17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Абитуриентлар учун. Физика. 19.00 — «Классик куй саҳифаси». 19.40 — Реклама. 19.55 — Янгиликлар. 20.15 — «Йилқи ўғрилаш». Бадиий фильм. 21.30 — МТ II.

15 ИЮЛЬ, ЖУМА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 А. Леончик чалади. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.50—Концерт. 11.20 — Болалар учун фильм. «Сеҳрли доира». 2-серия. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — «Концерт залида — мактаб ўқувчилари». 17.00— «Ерда, самода ва денгизда». 17.30 — «Москва ва москваликлар». 18.00 — «Инсон — ер хўжайини». 19.00 — «Расмларда қуёш акси бор». 19.15 — «Дунё воқеалари». 19.30 — Концерт. 20.15 — «Шоирлар Маяковский ҳақида». 21.30 — «Время». 22.05 — «Телевизион музикали фильм». 23.10 — «Дунё воқеалари». 23.25 — «Бутун команда ҳужумда» Ҳужжатли фильм.

МТ II. 9.00 — «Эрталабки гимнастика». 9.20 — «Нариги қирғоқдаги пристань», Телевизион бадиий фильм. 10.20— «Қизил галстук ҳақида сўз». 11.05 — Телевизион ҳужжатли фильм. 11.25 — Инглиз тили. 11.55 — «Қўшиқларимиз чўл узра янграйди». Фильм-концерт. 12.15 — Илмий-оммабоп фильмлар. 12.50 — «Излаш ва қутқариш». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм. 14.00 — «Шахмат мактаби». 14.30 — Фильм-концерт. 15.10 — «Биз Москвада дўстлашдик». 16.10 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — «Камалак». 19.10 — «Саёҳатчилар клуби». 20.10 — Илмий-оммабоп фильм. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Р. Андраде ва СССР халқ артисти В. Норека концерти. 21.30 — «Время». 22.05 — «Кутиш». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар.

Ўз ТВ I. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 12.00 — «Касблар ҳақида ҳикоялар». 12.30 — «Қизиқарли учрашувлар». 12.55 — «Қўқон воқеаси». Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.40 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 19.10 — «РСДРП II съездининг 80 йиллигига». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Илҳом». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — «Дунё воқеалари». 22.35 — «Кинокўрсатув». 23.55 — Янгиликлар.

ЎзТВ II. 9.00 — 16.30 — МТ II. 18.00—Химия. 18.30 —Тошкентнинг 2000 йиллигига. 19.00 —Ҳужжатли фильмлар. 20.00— Янгиликлар. 20.25 —«Рекорд». Бадиий фильм. 21.30 — МТ II.

16 ИЮЛЬ, ШАНБА

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — Телевизион ҳужжатли фильм. 10.00 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.30 —«Спортлото»нинг 29-тиражи. 10.40 — «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.10 — «Ёзувчилар тинчлик учун курашда». 12.05 — «Ёшлар адреслари». 12.35 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 12.55 — «Ғолиблар». 14.25 — «Камалак». 15.00 — «Дунё воқеалари». 15.15 — «Дўстларимиз чеҳраси». 16.00 —«Мардлик қонунига биноан». 16.25— Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 16.55 — «Мўъжизасиз— мўъжизалар». 18.00 — Концерт. 19.15 — «Елканлар остидаги ўлим». Телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар. 21.30 — «Время». 22.05 — «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». 00.10 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00—Эрталабки гимнастика. 9.15 — «Агар соғлом бўлай десанг». 9.30 — «Тонгги почта». 10.00 — Ҳужжатли фильмлар. 10.30 — Халқ чолғулари садолари. 11.15 —«Излаш ва қутқариш». Телевизион бадиий фильм. 2- ва 3-қисм. 13.05 — Ҳужжатли фильм. 13.25 — Марказий телевидение совринлари учун жойини мўлжалга олиш бўйича мусобақалар. 13.50 — «Музикали киоск». 14.20 —Эстетик тарбия. 14.50 — ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ. 16.15 — «Ҳаётга йўлланма». 17.05 — Фильм-концерт. 17.25 — Телевизион ҳужжатли фильм. 17.40 — СССР халқларининг VIII Ёзги Спартакиадаси. Академик эшкак эшиш. 18.10 —«Буюк халқ ҳақиқати». Кўп серияли телевизион ҳужжатли фильм. 2-фильм. 19.10 — «Халқаро обзор». 19.25 — Фестиваллар. Конкурслар. Концертлар. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — «Здоровье». 21.30 —«Время». 22.05 «Бемаҳал келган одам». 23.40 — СССР халқларининг VIII Ёзги Спартакиадасида.

ЎзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Телевизион миниатюралар театри. 10.55 — Мультфильм. 11.15 — «Светофор». 12.15 — «Ўз ихтиёри билан». Бадиий фильм. 13.25 — «Иккинчи истеъдод». 14.10 —Ўзбек шоирларининг янги таржималари. 14.30 — «Буни ҳамма билиши ва уддалаши керак». 18.05 — Мультфильмлар. 18.30 — «Тенгдош». 19.00 — «Сиҳат-саломатлик». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Қоялар орасида». Манзарали фильм. 20.00 — «Ўзбекистон Давлат санъат музейи заллари бўйлаб». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Шанба тароналари». 21.30 — «Время». 22.05 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи». 23.25— «Футбол чорраҳаларида». 24.00 — Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

17 ИЮЛЬ, ЯКШАНБА

МТ I. 9.00 —«Время». 9.40— Телевизион кўрик-конкурс. 9.55 — «Будильник». 10.25 — «Совет Иттифоқига хизмат қиламан». 11.25 —«Здоровье». 12.10 — «Тонгги почта». Музикали кўрсатув. 12.40 —«Совет тупроғидаги учрашувлар». 12.55 — «Қишлоқ янгиликлари». 13.55 — «Музикали киоск». 14.25 — «Бугун —металлурглар куни». 14.55 — Концерт. 15.55 — Ҳужжатли фильм премьераси. 16.15 — «Энг иссиқ ой». Бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар. 18.25 — «Халқаро панорама». 19.10 — Мультфильм. 19.30 — «Анна Герман». «Тақдир ва қўшиқлар». 20.30 —«Саёҳатчилар клуби». 21.30 — «Время». 22.05 — Қисқа метражли телевизион бадиий фильм премьераси. 22.50 — «Ялтадан хат». Телевизион фильм премьераси. 23.55 — Янгиликлар.

МТ II. 9.00 — «Зарядкага сафланинг!». 9.15 — «Ранг-баранг хоровод». 9.45 — Илмий-оммабоп фильмлар. 10.15 — Концерт. 11.10 — «Ҳайвонот оламида». 12.10 — Болалар учун фильм. «Келдим». 13.15 — Концерт. 13.45 — «Асли болаликдан». А. Н. Толстой. «Никитанинг болалиги». 14.30— «Стадион ҳамма учун». 15.00— Мамлакат телевидение студияларининг программалари. 15.45 — «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб». 16.15—«Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар». 16.45 — «Композитор, дирижёр, театр...». 17.45 — Мультфильм. 18.00 — «Классика билан учрашув». Фильм-концерт. 19.15 — «Илк қувончлар». Кўп серияли. Телевизион бадиий фильм. 3-серия. 20.30 — «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.05 — Футбол. «МАСК — «Металлист».

ЎзТВ I 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — «Шоирлар хиёбони». 10.45 — «Таня ва икки мушкетёр». Бадиий фильм. 12.00— «Қувноқ стартлар». 13.00 — «Абитуриент— 83». 13.30 — Концерт. 14.25 — «Ўзбекистон спорти». 15.00 — Реклама. 18.00 — Концерт. 18.30 —«Ал-Хоразмий авлодлари хотирасида». 19.00 — «Бугун — Металлурглар куни». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Телевизион миниатюралар театри». 20.30 — «Ахборот». 20,50 — «Назм ва наво». 21.30 — «Время». 22.05 — «Назм ва наво» (давоми). 22.45 — «Кўкламнинг узун куни». Телефильм. 23.25 — Кўрсатувлар программаси.

ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.

ИЛҒОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

(Боши 1-бетда)

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети, область комсомол комитети районлар, совхозлар, колхозлар ўртасида ем-хашак тайёрлаш бўйича ўтказилаётган социалистик мусобақанинг 1 июлгача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети, область ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва область комсомол комитетининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди.

Ўрта Чирчиқ районига (район партия комитетининг секретари Муслимов, район ижроия комитетининг раиси Мирёқубов, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи район комитетининг раиси Ҳайдаров, район агросаноат бирлашмаси советининг раиси Когай, район комсомол қомитетининг секретари Раҳмонова ўртоқлар). Бу район дағал озуқа тайёрлаш бўйича йиллик топшириқни 47 процент, шу жумладан сенаж тайёрлаш бўйича 110 процент, беда пичани бўйича 22 процент, табиий ўт пичани бўйича 63 процент, ўт уни тайёрлаш бўйича 16 процент бажарган. Июнь ойининг иккинчи ярмида дағал хашак тайёрлашда 11,2 процент ўсишга эришилди.

Байроқ Калинин районидан олиб берилади.

Паркент районидаги Калинин номли совхозга (директори Аъзамов, партия комитетининг секретари Сатторов, касаба союз комитетининг раиси Ҳосилов, комсомол комитетининг секретари Эрматов ўртоқлар). Бу совхоз дағал озуқа тайёрлаш бўйича йиллик топшириқни 59,2 процент, шу жумладан сенаж бостиришни 140 процент, беда пичани, тайёрлаш бўйича 74 процент, табиий ўт пичани тайёрлашни 63 процент, ўт уни ишлаб чиқаришни 40 процент бажарган ва июнь ойи иккинчи ярмида дағал озуқа тайёрлаш бўйича 19 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Чиноз районидаги Жамбул номли совхоздан олиб берилади.

Калинин районидаги Калинин номли колхозга (раиси Каримов, партия комитетининг секретари Фозилов, касаба союз комитети раиси Жўраев, комсомол комитетининг секретари Усмонов ўртоқлар). Бу колхоз дағал озуқа тайёрлаш йиллик топшириғини 116 процент, шу жумладан сенаж бўйича 157 процент, беда пичани тайёрлаш бўйича 102,5 процент, табиий ўт пичани тайёрлашни 92 процент, ўт уни тайёрлашни 123 процент бажарган ва июнь ойининг иккинчи ярмида дағал озуқа тайёрлаш бўйича 42 процент ўсишни таъминлаган.

Байроқ Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхоздан олиб берилади.

Область план бўлимига социалистик мусобақа илғорларига сотиш учун Ўрта Чирчиқ районига, Паркент районидаги Калинин номли совхозга, Калинин районидаги Калинин номли колхозга биттадан енгил автомашина ажратиш топширилди.

МИЛЛИОН-МИЛЛИОН КИШИЛАРГА АТАЛГАН САНЪАТ

XIII МОСКВА ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИНИНГ ТАНТАНАЛИ ОЧИЛИШИ

Ер планетасидаги барча юмушлар, унинг ташвишлари ва орзу-умидлари, қувончи ва қайғуси кино экранида ўз аксини топади. Халқлар ўртасида ишонч ва ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда, халқаро сиёсий иқлимни соғломлаштиришда, ҳақиқат, эзгулик, социал адолат ғояларини қарор топтиришда санъатнинг энг оммавий тури — кинематография зиммасига ғоят муҳим вазифа юкланади. «Кино санъатида инсонпарварлик учун, халқлар ўртасида дўстлик учун» мавзуида Москвада ўтаётган халқаро кинофестивалнинг шиори экран усталарини айни шунга даъват этади.

Москвада ўтаётган кино анжуманларига барча қитъалардаги кинематографиячилар тобора кенг қўламда қатнашаётганлиги фестивалнинг обрў-эътиборидан далолат беради. Кинематографиячиларнинг Совет пойтахтидаги ўн учинчи учрашувига 104 мамлакатдан, 6 та халқаро ва миллий ташкилотдан кино арбоблари келишди.

7 июль куни Давлат Марказий концерт залида фестиваль тантанали вазиятда очилди.

Ўртоқ Ю. В. Андроповнинг XIII Москва халқаро кинофестивали қатнашчиларига ва меҳмонларига йўллаган табрикномаси давомли қарсаклар билан кутиб олинди. Табрикномани фестиваль ташкилот комитетининг раиси, СССР Кинематография давлат комитетининг раиси Ф. Т. Ермаш ўқиб берди.

У Юрий Владимирович Андроповга фестивалга билдирилган эътибор учун йиғилиш аҳли ва барча совет кинематографиячилари номидан чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

Табрикномада тинчлик учун, халқлар ўртасида яхши қўшничилик ва ҳамжиҳатлик муҳити ўрнатилиши учун курашда кинонинг ролига юксак баҳо берилганлиги, деди нотиқ, тинчлик ва инсонпарварлик принципларига содиқ бўлган тараққийпарвар кино санъатининг обрў-эътиборини янада оширади ва унинг позициясини мустаҳкамлайди.

СССР Кинематографиячилар союзи правлениесининг биринчи секретари Л. И. Кулижанов фестиваль қатнашчиларини кинокўрик очилиши билан табриклади ва уларга янги ижодий муваффақиятлар тилади.

Халқаро жюри раислари — кинорежиссер С. И. Ростоцкий (бадиий фильмлар конкурси), публицист ва драматург Г. А. Боровик (қисқа метражли фильмлар конкурси), ёзувчи А. Г. Алексин (болалар фильмлари конкурси) фестиваль кўриклари арбитрларини — кўпгина мамлакатлардан келган таниқли кино усталари ва жамоат арбобларини фестиваль қатнашчиларига таништирдилар.

Тантанали марш садолари янграйди. Фестивалнинг Ер курраси фонидаги кинокадр ва «1983 йил, Москва» санаси ёзилган эмблемаси туширилган оқ байроқ кўтарилади. XIII Халқаро кинофестиваль очилди!

В. ЖАЛАГОНИЯ,
Е. ХОРЕВА,
ТАСС мухбирлари.

МОНГОЛИЯ ХАЛҚ РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 62 ЙИЛЛИГИ

СОЦИАЛИСТИК ЎЗГАРТИШЛАР ЙЎЛИДА

Бундан 62 йил муқаддам амалга оширилган халқ революцияси Монголиянинг кўп асрлик тарихида туб бурилиш нуқтаси бўлди. У Улуғ Октябрь социалистик революциясининг бевосита таъсири остида ғалаба қозонди. Ленинча таълимотга амал қилган Монголия халқ революцион партияси мамлакатни феодализмдан капитализмни четлаб социализмга ўтишини таъминлади.

Қисқа муддат ичида Халқ Монголияси қолоқ, ярим мустамлака мамлакатдан аграр-индустриал социалистик давлатга айланди. Ҳозирги пайтда МХРда кўп тармоқли экономика — ёнилғи-энергетика, кон-руда, металлни ишлаш, қурилиш, озиқ-овқат, енгил саноат, чорвачилик ва деҳончилик жадал суръатларда ривожланяпти. Қишлоқ хўжалигида йирик, юқори рентабелли давлат ва кооператив хўжаликлари ташкил этилган.

МХРП XVIII съездида қабул қилинган еттинчи беш йиллик план муваффақиятли бажарилмоқда. Бу беш йилликда ялпи саноат маҳсулотини 52—58 процентга кўпайтириш мўлжалланмоқда. Мамлакатда электр энергияси ҳосил қилиш қарийб икки баравар ортади. Яна 250—300 минг гектар қўриқ ерларни ўзлаштириш режаланган. Бу дон, картошка, сабзавот маҳсулотлари етиштиришни салкам икки баравар кўпайтириш имконини беради.

Совет Иттифоқи Монголия Халқ Республикаси халқ хўжалигини юксалтиришга катта ёрдам кўрсатмоқда. 1976-1980 йилларда бу ерда СССРнинг иқтисодий ҳамкорлигида 150 тага яқин турли объектлар қурилиб фойдаланишга топширилди. МХРнинг еттинчи беш йиллиги даврида эса Совет Иттифоқи 342 та янги объект қуриш ва мавжудларини реконструкция қилишда ёрдам кўрсатади.

Монголияда халқ ҳокимияти йилларида маориф, маданият ва соғлиқни сақлаш соҳасида чинакамига революция рўй берди. Бундан 40 йил илгари республикада биринчи университет очилган эди. Дорилфунун кадрлар тайёрлаш маскани, йирик фан марказига айланган. Ўтган давр ичида бу ерда 17 минг ўқитувчи, врач, қишлоқ хўжалиги мутахассислари, иқтисодчи ва инженерлар тайёрланди.



Ҳозирги пайтда университетнинг 6 та факультетида 4 мингдан кўпроқ студент таҳсил олмоқда. Улар 22 хил мутахассисликни эгаллайдилар.

СУРАТДА: университет биология факультети III курси студентлари лаборатория машғулотларни пайтида.

К. БОЛДОХОНОВ ва А. МОРКОВКИН фотоси, ТАСС фотохроникаси.

МЕВА ВА САБЗАВОТ НЕГА ҚИММАТ?

«ТАШПЛОДООВОЩ» БИРЛАШМАСИ ВА МЕВА-САБЗАВОТ ЕТИШТИРУВЧИ ХЎЖАЛИКЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ҳозир мева-сабзавот бозорига тушган кишининг баҳри-дили очилади. Чўғдек қип-қизил олмаю, шарбатга тўлган заргалдоқ шафтолилар, ўрик, узум, кўксултону-қизилсултонлар, помидор, кўм-кўк барра бодринг, эҳе, нимасини айтасиз. Гўёки етти иқлимнинг ноз-неъматлари жамлангандек. Лекин уларнинг баҳосини эшитган ҳафсала пир бўлади.

— Бодринг қанчадан бўлди? — сўраймиз деҳқон йигитдан.

— Бир сўм,— жавоб беради у.

Расталар бўйлаб давом этамиз. Узум икки ярим сўм, ўрик икки, шафтоли икки-уч сўм, сабзи бир ярим сўм, помидор 50—80 тийин.

Айни пишиқчилик, тўкинчилик пайтида сабзавот ва мева-чеванинг бозорларда бу қадар қимматлиги ҳаммани ранжитади. Бозорда ҳақиқий деҳқон ҳам бор. Лекин олиб сотар ҳам кўп. Ҳар ким ўзича нарх қўйиб хоҳлаганча сотяпти. Харидорлар ана шу нархларда сотиб олишга мажбур бўлаётганликларининг сабаби яна савдо тармоқлари ва сабзавот, мевачева етказиб берувчи ташкилотлар шартномаларига келиб тақалади. Хўш, «Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли савдо тармоқларида ҳозир аҳвол қалай?

Октябрь район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 2-магазин. У бозорда жойлашган. Ойнабандли, қулай, каттагина бино. Мева ва сабзавотнинг хилларига мўлжаллаб қават-қават пештахталар қилинган. Хуллас, қанча ноз-неъмат бўлса сақланадиган жой бор. Минг афсуски, пештахталар бўш, борларидаги сабзавот-мева эса жуда сифатсиз.

Далада кўм-кўк бодринг кўплигига қарамай, сап-сариқ, сўлиган бодринглар уйиб ташланган, олмалар уриниб қолган. Қизилча бўлса эскириб, бир-бирига ёпишиб кетган. Ораларида қанчаси сасиб ётибди. Сотувчи Н. Игнатченконинг ўзи ҳам бу аҳволдан уялди шекилли, чаққон ҳаракат билан пештахтадаги қизилчани саралаб, чиқинди ташланадиган яшикка улоқтирди. Хуллас, харидор кўнгли тўлиб сотиб оладиган маҳсулот йўқ.

— Нега пештахталар бўш?— сўраймиз магазин мудири Акром Ориповдан.

— Кам олаяпмиз. Келганининг сифати ҳам яхши эмас,— деб жавоб берди у.

Биз магазин мудиридан бир ойда қанча сабзавот олинганини сўрадик.

— План бўйича 25 тонна сабзи олишимиз лозим эди. Лекин бир тоннадан сал кўпроқ олдик, холос. Бошқа маҳсулотлар ҳам худди шундай.

Биз магазин планига тегишли факт ва рақамларга кўз ташлаймиз. Масалан июнь ойида 43 тонна пиёз, 26 тонна қизил лавлаги, 33 тоннадан бодринг ва помидор, 8 тонна саримсоқ пиёз, 33 тонна мева олиниши ва аҳолига сотилиши лозим экан. Аслида 20 тоннадан сал кўпроқ бодринг, 5 тонна атрофида помидор, 5 тоннага яқин саримсоқ пиёз, 4 тонна мева олинибди. Сабабларини ўргандик.

Маълум бўлишича, «Ташплодоовощ» бирлашмаси билан районлар, хўжаликлар ўртасидаги шартномага кўп ҳолларда амал қилинмайди. Сабзавот, мева-чева планда белгиланганидан анча кам. Хиллари бўйича деярли бирон бир кўрсаткич тўлиқ бажарилмаган. Сабзи, пиёз, бодринг, саримсоқ пиёз, помидор ва бошқа маҳсулотларни етказиб бериш мажбуриятини олган хўжаликлар шартномани бажаришмаган.

Биз магазинларни айланганимизда бирор жойда ҳам петрушка, кашнич, укроп, умуман резавор, ош-кўкларини кўрмадик. Шартномага назар ташлангач сабаби аниқ бўлди. Ўтган ой давомида 478 тонна ўрнига 2 тонна шундай маҳсулотлар юборилибди. холос.

Хулоса шуки, шаҳар аҳолисини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш пухта ташкил этилмаяпти. Яна сансалорлик ҳукм суряпти. Шундай пишиқчилик паллада магазинештахталари деярли бўм-бўш, шунинг учун ҳам аҳоли шу кунларда давлат нархи 11 тийин бўлган сабзини бозордан 1—1,5 сўмдан сотиб олмоқда!

Шаҳримиз атрофидаги учта ихтисослашган район ярим йилда ҳаммаси бўлиб 120 тонна, шу жумладан, Орҳоникидзе райони 60, Калинин райони 40, Тошкент райони 20 тонна болғар қалампири жўнатиши керак эди. Лекин бу хил маҳсулот умуман савдо тармоқларига юборилмади. Шунинг учун ҳам бозорда унинг бир килограмми 80 тийин, 1 сўм.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ГАЗЕТАСИ ВА ШАҲАР САВДО ИНСПЕКЦИЯСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ

Орҳоникидзе районида сабзавот, мева таёрлаб бериш айниқса қониқарсиз. Июнь ойида 4704 тонна ўрнига бор-йўғи 2550 тонна сабзавот юборилди. Бодринг, помидор, саримсоқ пиёз, сабзи, пиёз, картошка деярли икки-икки ярим бараварга кам жўнатилди. Картошка эса 2560 тонна ўрнига 974 тонна юборилди.

Райондаги «Маданият» колхози, Орҳоникидзе номли совхозлар адресига айниқса, жиддий эътирозлар билдириш мумкин. «Маданият» колхози бир ойда ваъда қилинган 460 тонна ўрнига 120 тоннагина сабзавот берди. Шунингдек, 150 ўрнига 30 тонна бодринг, 50 ўрнига 14 тонна сабзи, 1100 тонна ўрнига 16 тонна картошка жўнатдилар. Орҳоникидзе номли совхоз эса июнь ойининг ўзида «Ташплодоовощ» бирлашмасига 890 тонна сабзавот етказиб бериши лозим эди. Аслида 295 тонна юборишди. Бодринг, помидор, пиёз, сабзи эса жуда кам жўнатилди. Райондаги бошқа хўжаликларда ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин.

Энди савдо тармоқларидаги хизмат маданияти ҳақидаги баъзи мулоҳазаларни ўртага ташлаймиз. Бозорда деҳқон ўз маҳсулотларини саралаб, ювиб, тозалаб сўнг харидорга рўпара қилади. Хўш, сабзавот-мева дўконларидаги сотувчиларчи? Мева-сабзавот эмас, шағал билан муомала қилаётгандек. Маҳсулот кир-чир, худди тупроқ аралаш, маҳсулотнинг ўзидан чиқиндиси кўп. Мана баъзи мисоллар. Октябрь бозорида жойлашган 2-магазинни олайлик. Сотувчи картошкани темир белкурак билан идишга соляпти, натижада ҳамма ёғи пачоқланиб, қириляпти. Лекин сотувчининг бу билан иши йўқ. Ахир у офтобнинг қизиғида кетмон урмаган, трактор ҳайдамаган, туни билан ухламай сўрғаманда! Меҳнати сингмаган! Нима бўлса ҳам сотса бас.

Магазиннинг холодильник камераси. Ичида ҳеч қандай маҳсулот йўқ. Лекин музлек бўлинмада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ўрнига қозонтовоқ, турли идишлар бор. Шишалар думалаб ётибди. Магазиннинг савдо қилиш бўлинмасидаги аравача-контейнерларда карамлар сарғайиб ётибди. Хўш, уларнинг ярмини холодильникда сақлаш, пештахталарда тугаганда янгигина қилиб олиб чиқиб қўйиш мумкинку. Помидор ҳам шу аҳволда.

Биз шу райондаги 7-магазинда ҳам шу каби тартибсизликларнинг гувоҳи бўлдик. Ҳамма ёқ чанг. Пештахталардаги картошка, олма, помидор кир-чир. Бунинг устига магазин сотувчиси Баҳром Шокиров 5—6 килограмм картошка ва олманинг ўзидан 50 тийин уриб қолди.

Афсуски, сабзавот-мева дўконларида бундай ҳоллар ягона эмас. Сотувчилар ҳалол, пок, виждонан хизмат қилишмайди. Гоҳ тарозидан, гоҳ қайтимидан чегиришади. Турли «ҳунарлар» ўйлаб топишади. Масалан, Фрунзе район улгуржи-чакана савдо идорасига қарашли 1-магазиндан харидор саримсоқ пиёз, карам, картошкадан тортиб беришини сўради. Хисобланса, маҳсулот сотган йигит 2 сўм 80 тийин ўрнига 3 сўм 15 тийин олиб қолибди. Биз ундан исм-фамилиясини сўрадик. Маълум бўлишича маҳсулот сотган одам магазинга мутлақо бегона, сотувчи Шокирҳўжаевнинг таниши экан.

Ленин район улгуржи-чакана савдо идорасининг 17-магазинидаги сотувчи К. Файзуллаева ҳам кўзини лўқ этиб, бир зумда 56 тийинни уриб қолди.

Куйбишев районида ҳам савдо қилиш аҳволи бундан яхши эмас. 9-магазинда ҳатто контроль тарозиси ҳам йўқ. Ярим йил ўтиб кетибдику, ҳалигача шикоят ва таклифлар дафтари муддати 1983 йил учун чўзилмабди.

Шу райондаги 6-магазинда эса картошка сараланмаган. Ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи бўлинмада маҳсулот йўқ. Ичкарида бўлса маҳсулот бор. Масалан, 63 килограмм саримсоқ пиёз, 40 килограмм полиздан янги узилгандек бодринг турибди. Лекин негадир пештахтада йўқ.

Бу каби ва бошқа жиддий камчиликларни шаҳримиздаги мева-сабзавот билан савдо қилувчи кўпгина дўконлар мисолида келтириш мумкин. Баъзи жойларда тамға қўйилмаган идишлардан, истеъмолдан чиққан тошлардан фойдаланилмоқда. Бу эса харидорларнинг ўринли шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Шуни очиқ айтиш керакки, аслида аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан етарли таъминлаш мумкин. Бунинг учун сабзавот-мева етиштирувчи хўжаликлар бор маҳсулотни ўз вақтида жўнатиб туришлари, «Ташплодоовощ» бирлашмасига қарашли ташкилотлар, магазинлар эса етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай аҳолига етказиб беришлари зарур.

Г. ЯКОВЛЕВ,
Тошкент шаҳар савдо инспекцияси инспектори.

П. ПРОКОФЬЕВ,
Н. КОНДРАТЬЕВ,
жамоатчи инспекторлар.

Б. ПЎЛАТОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ФАН ОЛАМИДА

ЭЛЕКТРОН ТЕРМОМЕТР

Оддий медицина термометри одатда 8—10 минутдан кейингина ҳарорат даражасини кўрсатади. Хўш, қандай қилиб тез натижа олиш мумкин!

Операция хоналарида, илмий лабораторияларда ҳамда саноат корхоналарида электр тармоғи ва оддий батареядан қувват олиб ишлайдиган «Терция» деган кичкинагина асбоб ишлатилади. Ана шу асбобдан термометр ўрнида фойдаланиш мумкин. Мошдек келадиган бу датчик ҳароратни бор-йўғи бир минутда аниқлаб беради. Бу антиқа электрон термометрни Москва инженерлик физикаси институти студентлари яратишди.

ҚУЁШ ТЕБРАНАДИМИ?

Ҳа тебранади. 1976 йили Қрим обсерваториясининг астрономлари Қуёш тебранишини исботлаб беришди. Яқинда эса француз тадқиқотчилари АҚШнинг жанубий қутбдан 8 километр узоқда жойлашган Антарктика станциясида Қуёш тебранишини беш кеча-кундуз кузатишди. Маълум бўлишича, Қуёш ҳар 160 минут орасида секундига 33 сантиметр амплитуда тезлиги билан тебранар экан.

ЙЎЛ БЕХАТАР БЎЛСИН ДЕБ

Аляска ярим ороли автомобиль йўлларида аварияларни камайтириш учун қизиқарли тажриба ўтказилди. Йўл қопламаси учун ишлатилаётган асфальт билан бетон қоришмасига автомобиль баллонининг майдаланган увоқлари аралаштирилди. Бундай қоплама яхмалакнинг олдини олишдан ташқари, йўлни тез бузилишдан сақлайди ва шовқин даражасини ҳам камайтиради.

(«Наука и жизнь» журналидан).

Редактор
Н. НАСИМОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МТ I. 9.00 — «Время». 9.40 — «Спортлото»нинг 28-тиражи. 9.50 — «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.20 — «Сўна». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия. «Ота ва ўғил». 11.30 — Латвияда Бутунittифоқ тасвирий санъат ҳафталиги. 12.10 — Телевизион ҳужжатли фильм премераси. 12.20 — «Москвичка» телевизион клуби. 13.35 — «Камалак». 14.00— «Альтернатива». Дунё олимлари ядро ақлсизлигига қарши. 15.00 — «Дунё воқеалари». 15.15 — Жеймс Олдриж. Ижоди саҳифалари. 16.05 — Телевизион ҳужжатли фильм. 16.20 — «Ёдингдами, ўртоқ...» 17.20 — И. Гайдн. Соль мажор симфонияси. 17.45 — Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 18.15 — Мультфильм. 18.45 — «Ҳамдўстлик» телевизион журнали. 19.15 — «Ҳайвонот оламида». 20.15 — «Мерседес» қувғинидан қочади». Бадиий фильм. 21.30— «Время». 22.05 — Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — Нистру». 2-тайм. 22.45 — «1983 йил қўшиқлари». 00.10 — Янгиликлар.

УзТВ I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Фильм-концерт. 10.35 — «Кинопублицист экрани». 11.20 — «Ота-оналар университети». 11.50 — «Шеърият дафтиридан». 12.10 — «Болагинам». Бадиий фильм. 13.15— «Абитуриент-83». 13.45 —Ҳужжатли фильм. 18.05 — Болалар учун концерт. 18.35 —Телефильмлар. 19.00 — «Тошкент —Ўрта Осиёда инқилоб маркази». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Цирк, цирк, цирк». 20.30 — «Ахборот». 20.50 — «Ўзбек дидрдаги учрашувлар». 21.30 — «Время». 22.05 — «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.25 — «Даврамизга марҳабо!».

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент область комитети ва область ижроия комитети халқ депутатлари Бекобод шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Э. А. Аҳмедовга акаси

Султонмурод Абдураҳмоновнч АҲМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУХЛИСЛАРНИНГ УМИДИ КАТТА

МАМЛАКАТ 46-ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ БИРИНЧИ ДАВРАСИ ЯКУНЛАНДИ

Бир неча йил СССР терма командасига, шунингдек қатор клублар, жумладан «Пахтакор»га ҳам устозлик қилган таниқли мутахассис, СССРда хизмат кўрсатган тренер Михаил Иосифович Якушин биринчи давра ҳақида фикрлари билан ўртоқлашар экан «Жальгирис» командасининг ғолиб бўлганлиги кутилмаган ҳолми, деган саволга «ҳа», деб жавоб берди ва Вильнюс футболчиларининг қайси устунликлари эвазига чемпионатнинг биринчи ярми ғолиби бўлганлигини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Агарда футбол статистикаси биринчи лигадан кучлилар даврасига чиқиб, ўша мавсумдаёқ карвонбоши бўлган команда бор-йўқлигини аниқ айтиб бермаса, 20-30 йил ишқибозлик стажига эга бўлган мухлислар чемпионатда бундай ҳол содир бўлганлигини эслай олмайдилар. Ҳақиқатан ҳам «Жальгирис»нинг парвози кутилмаган хол бўлди.

Вильнюс футболчилари сўнгги турларда Москванинг «Спартак» ва «Динамо» командаларини бир хил —1:0 ҳисобида енгиб, 23 очко тўпладилар ва биринчи ўринни олишди. Тўғри, бу клуб ҳужумчилари унчалик кўп тўп киритганларича йўқ. Лекин ҳимоячилар энг кам — 17 ўйинда бор-йўғи 10 та тўп ўтказиб юборди-лар, холос. Агар турнир жадвалига назар ташлайдиган бўлсак, карвонбошилик қилаётган командалар ўртасида донғи кетган Киев динамочилари, пойтахт спартакчилари, Москва ва Тбилиси динамочиларини кўрмаймиз.

Тошкентлик футболчиларнинг ўйинлари ҳақида фикр юритар эканмиз, командамиз учрашувларини икки босқичга бўлиб таҳлил қилиш ўринли бўлар эди. «Пахтакор» чемпионатни кўнгилдагидек бошлай олмади. Дастлабки тўққиз ўйинда футболчиларимиз 8 очко тўплаб, турнир жадвалининг 14-ўрнини эгаллашган бўлса, май ойининг иккинчи ярмидаги қисқа танаффусдан сўнг кейинги учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, кетма-кет эришилган ғалаба ва дуранглар туфайли жадвалда аста-секин юқорилаб бордилар. Улар сафарда ўз кучларига ишонган ҳолда дадил ўйинаяптилар. Еревандаги ғалаба, Москвадаги кейинги икки дуранг командамиз сафарда ҳар қандай рақиблар билан бемалол беллаша олишини кўрсатди.

Бунинг сабаби футболчиларимиз маҳорати ортиб бораётганлигида. Тажрибали А. Якубик, А. Петрушин ва бошқаларнинг интилиши, меҳнатсеварлиги, тўп учун кураши асосий составдан ўрин олаётган Фахриддин Исломов, Ислом Аҳмедов, Ҳусан Бойматов сингари ёшлар учун ўрнак бўляпти. Айниқса, дарвозабон Александр Яновскийнинг аниқ ва ишончли ҳаракатлари ҳимоячилар руҳини кўтармоқда.

Умуман «Пахтакор»нинг ҳимоя линияси ҳақида гап кетганда мухлислар бирмунча мамнун бўлиб гапиришадилар. Бунинг боиси бор. Командамиз ҳозиргача борйўғи 13 та тўп ўтказиб юборди. Бу кўрсаткич жиҳатдан футболчиларимиз иккинчи ўринда турибдилар.

Турдан-турга ўз ўйин услубини такомиллаштириб бораётган «Пахтакор»дан бу йил мукофотли ўринлардан бирини олишини умид қилиш мумкин.

Биринчи давра якунлари:

Командалар:	Ю	Д	М	Т	О
Жальгирис	8	7	2	16—10	23
Черноморец	10	2	5	24—18	22
Динамо Мн.	9	4	4	25—17	22
Зенит	8	5	4	21—14	21
Пахтакор	7	7	3	24—13	21
Днепр	8	4	5	30—19	20
Динамо К.	6	7	4	14—15	19
Шахтёр	8	2	7	24—19	18
Спартак	6	6	5	27—17	18
Металлист	7	3	7	21—23	17
ЦСКА	6	5	6	16—17	17
Торпедо М.	5	7	5	15—17	17
Арарат	7	2	8	17—25	16
Нефтчи	5	5	7	16—19	15
Динамо М.	3	7	7	13—15	13
Динамо Тб.	4	4	9	19—23	12
Торпедо Кт.	1	7	9	8—20	9
Нистру	2	2	13	10—39	6

Бугун иккинчи давра ўйинлари бошланади. Эртага «Пахтакор» ўз майдонида «Шахтёр» командасини, 14 июлда эса «Днепр» командасини қабул қилади.

Ш. УМУРЗОҚОВ,
Т. АЗЛАРОВ.

МОСКВАДАН ХАТ

МУНОСИБ БАҲО

СССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг «Центросоюз» павильони экспозицияларидан бири матлубот жамиятларининг энг яхши ёрдамчи хўжаликлари иш тажрибасини ёритишга бағишланган. Унда Тошкент район матлубот жамияти паррандачилик фабрикасида амалга оширилаётган ишлар ҳам акс этган.

Бу йирик, замонавий паррандачилик фабрикаси бўлиб, у ерда тўртта товуқхона, уч инкубатория, она товуқлар ва жўжаларни сақловчи бир қанча цехлар, сўйиш цехи, озуқа омбори ва бошқалар бор. Ўтган йили бу паррандачилик фабрикаси 200 тоннадан ортиқ парранда гўшти ва тўрт миллион донадан кўпроқ тухум етказиб берди.

А. ЛАРЬКИН.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент область комитети ва область халқ депутатлари Совети ижроия комитетининг газетаси

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000. Тошкент—П, ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь—334808, 325353, секретариат — 325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, маданият ва олий ўқув юртлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325767, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

Р. 07308 Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. Б—1638. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12